БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 17 (19.688). | • 1987 йил 21 январь, чоршанба • | Баҳоси 3 тийин.

ЛЕНИН ҲАМИША БИЗ БИЛАН

КПСС XXVII съезди белгилаб берган улуғвор вазифаларни бажаришга астойдил киришиб, дилларга эзгу ниятларни жо қилиб, Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги ншонланадиган қутлуғ дамларга тобора яқинлашмоқдамиз. Инсоннят бахти туғилган ўша Октябрнинг ҳаётбахш тонгидан бошлаб то шу кунгача эришган муваффақиятларимиз, зафарларимизни жамулжам қилсак, кўзлаган юксак мақсадларимизни яхлит тасаввур этсак, кўз ўнгимизда Владимир Ильич Ленининг азиз ва муътабар сиймоси бутун улуғворлиги билан гавдаланади, у яратган таълимот —ленинизм XX аср марксизмининг ҳаётбахш нури янада зўр куч билан намоён бўлади.

Бутун дунё меҳнаткашларининг доҳийси В. И. Ленин ўз сиймосида ўткир ақл-заковатни, битмас-туганмас куч-ғайрат, шижоат, букилмас иродани, меҳнаткашлар бахти учун курашда фидойилик, оташин ватанпарварлик ва изчил интернационалист фазилатларини мужассамлаштирган эди. К. Маркс ва Ф. Энгельснинг содиқ издоши сифатида жаҳон синфий кураш майдонига чиққан Ленин ўз устозларининг революцион таълимотини ҳар томонлама ривожлантирди. Илмий башорат қилиш, содир бўлаётган воқеа ва ҳодисаларнинг том маъносига ғоят теран назар ташлаш истеъдодининг соҳиби тарихий шароитларни анализ қилишга диалектик-тарихий методни юксак даражада этиб, марксизмнинг ҳамма таркибий қисмларини принципиал муҳим қоидалар билан бойитди, унинг ривожида янги босқич очди.

В. И. Ленининг мамлакатимиз, жаҳон халқлари олдидаги буюк хизмати шундаки, у Коммунистик партияни барпо этди, синфий курашларда, яратувчилик ишларида воя етказди.

Улуғ доҳий бархаётлигида бўлганидек, ҳозир ҳам КПСС куч-қудратининг манбаи унинг халқ билан узилмас алоқасида, халқ манфаатларига ленинча хизмат қилишидадир. Партия шу йўлдан борди, тараққиётимизнинг ҳар бир босқичида, бурилиш нуқталарида революцион ташаббус кўрсатаётганлиги билан халқ оммасининг чексиз ҳурматини қозонди, жамиятимизнинг раҳбар ва етакчи кучи бўлиб қолди. Партия ва халқ, халқ ва партиянинг бузилмас бирлиги, доҳий таълим берганидек, кенг меҳнаткашлар оммаси билан бирикиб кетганлик, уларнинг куч ва ғайратини навбатдаги вазифаларни амалларлик билан ҳал этишга қаратиш жамиятимиз тараққиётини жадаллаштирувчи қудратли куч бўлмоқда.

Партиямизнинг бутун фаолияти инсон тўғрисида, унинг бахт-саодати ва фаровонлиги тўғрисида доимий ғамхўрлик қилишдан иборатдир. Зеро, Владимир Ильич инсонларга, уларнинг талаб ва эҳтиёжларига сезгир эди. Айни вақтда гап амалий иш ҳақида борганда қатъиятли ва талабчан бўлиб, хўжасизлик, интизомсизлик, саёлорлик, бюрократизм ҳолларига йўл қўйган шахсларга нисбатан муросасиз эди. Ишнинг ҳақиқий аҳволини мунтазам текшириб туришни, йўл қўйилган камчиликларни тезда ва пухта бартараф этишни талаб қиларди. Биз эндиликда ўз вазифаларимизни кечагидан кўра аниқроқ, конкретроқ, равшанроқ кўрамиз, биз ўз хатоларимизни тузатиш учун уларни очиқ кўрсатишдан қўрқмаймиз, деб ёзган эди Владимир Ильич Совет давлати ва жамияти барпо этилган кезларда. Биз энди партиянинг бутун кучларини уни энг яхши ташкил этишга, унинг ишлари сифати ва мазмунини оширишга, омма билан янада яқиндан алоқа боғлашга қаратамиз. Бу сўзлар руҳи, миқёслари жиҳатидан революцион қайта қуришнинг ҳозирги босқичида янада актуаллик касб этмоқда.

Мамлакатимизда социализмни такомиллаштириш, коммунистик истиқболнинг энг ўткир вазифалари ҳал қилинмоқда. Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, маҳсулот сифатини кескин яхшилаш учун кураш кенг авж олмоқда. Шунинг учун ҳам партия ҳар бир коммунистдан, ҳар бир меҳнаткашдан ленинча иш услубини, умумий иш учун жонкуяр бўлиб, уюшқоқлик кўрсатишни, ишчан ва социалистик онгли бўлишни талаб қилмоқда.

Жамиятимиз тараққиётининг ҳамма босқичларида сиёсий-маънавий омилларнинг роли, халқнинг ижтимоий онгини ўстириш ҳар қачонгидан ҳам катта аҳамият касб этиб келмоқда. Революциямизнинг, деган эди Владимир Ильич, «тамомила бажарилган ва капитализмдан бутун дунё миқёсидаги тарихий бурилиш тарихига ажралмас бир нарса бўлиб кирган» ишлари ва вазифалари бор. Инсоннят турмушининг энг қийин, энг ўткир масалаларидан бири бўлган миллий масала ҳақли равишда шундай ишлар ва вазифалар жумласига киради. Бизга ўтмишдан мерос қолган бу масала узил-кесил муваффақиятли ҳал қилинганлиги Ленининг миллатлар тўғрисидаги таълимотининг чинакам тантанасидир. Бу — ижтимоий муносабатларнинг жуда мураккаб соҳасида социал адолатнинг қарор топишидир. Яхлит, кўпмиллатли давлат барпо этилганлиги, мамлакатнинг барча миллат ва элатлари равнақ топиб, ўзаро яқинлашиб боравётганлиги, дунёқарашимиз ва миллатлараро алоқа нормаларини белгиловчи нишонаси бўлмиш интернационализм чуқур илдиз отганлиги, одамларнинг янги социал ва тарихий бирлиги вужудга келганлиги — ленинча миллий сиёсат самараларидир.

Совет халқлари ўртасида айни Ленин орзу қилган иттифоқ, ихтиёрий, тенг ҳуқуқли ва энг мустаҳкам иттифоқ қарор топди. Улуғ рус халқи бу иттифоқнинг жон-тани ва қалбидир. Рус халқи янги жамиятни барпо этишда, ленинча идеалларни қарор топтириш учун курашда фидокорлик намунаси бўлиб келмоқда. Унинг революцион ғайрат-шижоати, бегараз ёрдами мамлакатдаги барча халқлар, жумладан, Ўзбекистон халқларининг ҳар томонлама гуркираб тараққий этишининг негизи бўлди. Барча миллатларга мансуб совет кишилари рус халқига меҳр-муҳаббат, чуқур иззат-икром, абадий миннатдорлик туйғулари билан қарайдилар, унинг буюк тилини ўзларининг иккинчи она тили деб билиб, қунт билан ўрганадилар.

Ленинча миллий сиёсат тантанасининг ёрқин тасдиғи бўлган кўпмиллатли Ўзбекистонда шу кунларда республика Компартиясининг XXI съезди, Марказий Комитетнинг III пленуми қарорлари асосида юксак меҳнат кўтаринкилиги, маънавий-сиёсий бирлик ҳукм сурмоқда. Партияга садоқатли юзлаб янги, ҳалол ва қамтар кишилар партия, совет, давлат, хўжалик ишларига кўтарилди. Мамлакатнинг йирик партия ташкилотларидан келаётган кадрлар ўзлари билан бирга янги тажрибани, янгича ёндашувларни олиб келаётирлар. Улар бутун тараққиётимизни интернационаллаштиришга актив кўмаклашмоқдалар. Ўзбекистон коммунистлари, меҳнаткашлари бу маданий совет халқлари дўстлиги ва қардошлигининг, жамиятимиз бузилмас бирлигининг янги кўриниши, амалдаги чинакам ленинча интернационализм деб баҳоламоқдалар.

Бунга жавобан республика ишчилари, колхозчилари, зиёлилари партия режаларини бажариш учун, Умуминтифоқ меҳнат таксимотида Ўзбекистон ССР ўнссасини кўпайтириш учун курашда кучга-куч, ғайратга-ғайрат қўшмоқдалар.

Республика, иқтисодий маънавий ҳаётида юз бераётган жараёнларга актив кириб бориш, дадил изланишлар олиб бориш, юзага келаётган тенденцияларни ўз вақтида пайқаб олиш, таҳлил этиш шу кунининг долзарб масаласидир. Зотан социал тараққиёт ҳозиргача маълум масалаларни янгичасига қўймоқда. Бу борада ижтимоий фанлар олдида катта вазифалар турибди. Республикада ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатлари диалектикаси, халқнинг социалистик ўз-ўзини бошқариши, ҳозирги шароитда демократик централизмнинг ривожланиши, социал-синфий структурадаги ва миллий муносабатлардаги ўзгаришлар, меҳнаткашларни, айниқса ўсиб келаётган ёш авлодни маркса-ленинча дунёқараш руҳида тарбиялаш вазифалари, уни ҳал қилиш йўллари кўпи кеча Тошкентда бўлиб ўтган жамиятшуносларнинг республика кенгашида яқол кўрсатиб берилди.

Совет халқи янги, буюк иш —меҳнаткашлар жамиятини қуриш, коммунизмга йўл очиш бахтига муяссар бўлди. Биз бу улкан одимларимизда ленинизмнинг битмас-туганмас, порлоқ чашмасидан куч-қувват оламиз. Ютуқларни кўпайтириб, камчиликларни дадил бартараф этиб, келажакни кўзлаб доимо улуғ доҳий Ленинга мурожаат этамиз, маслаҳатлашамиз. Владимир Ильич барча ғалабаларимизнинг ташкилотчиси, ҳаммамиз учун меҳрибон ва доно устоз, у ҳамиша биз билан.

В. И. Ленин. Москва, 1919 йил, 7 ноябрь. (ТАСС фотохроникаси).

ЁШЛАРНИ ҚАЙТА ҚУРИШГА АКТИВ ЖАЛБ ЭТАЙЛИК

НУКУС. 20 январь. (ЎзТАГ). Бугун бу ерда Қорақалпоғистон область ҳисобот-сайлов комсомол конференцияси бўлиб ўтди. Конференция делегатлари Автоном республика комсомол ташкилотидаги ишларнинг аҳволини танқидий таҳлил этиб, ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашга алоҳида эътибор бердилар. Ёшлар коллективлари фаолиятини давр талаблари руҳида қайта қуришнинг муваффақияти кўп жиҳатдан ҳар бир комсомол ходимининг, ҳар бир активнинг шахсий фазилатларига боғлиқ эканлиги айтиб ўтилди. Бошланғич комсомол ташкилотларининг ишида ҳали анчагина камчиликлар ва нуқсонлар мавжуд, дейишди сўзга чиққан кишилар. Комсомол комитетлари саноатда меҳнат интизомини бузувчиларга нисбатан пассив позицияни эгалламоқдалар. Бунда ёш ишчиларнинг прогул қилиши туфайлигина кўп миқдорда маҳсулот етказиб берилмади. Иқтисод ва тежамкорлик учун курашда «Комсомол прожекторлари» суст ишламоқда.

Комсомолнинг Автоном республика агросаноат комплексига оталиқ ёрдами яхши йўлга қўйилмаган. Колхоз ва совхозлардаги комсомол-ёшлар бригадаларининг ҳар иккитасидан биттаси ўтган йили планни бажармади. Йигит ва қизларнинг мазмунли дам олишини ташкил этиш долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Конференция қабул қилган резолюцияда айтиб ўтилган камчиликларни бартараф этишга, комсомол ташкилотининг бутун фаолиятини барча чоралар билан активлаштиришга, Қорақалпоғистон ёшларини КПСС XXVII съезди талаблари асосида тарбиялашни такомиллаштиришга оид конкрет тадбирлар белгиланди.

Конференцияда область комсомол комитетининг янги состави ва область комсомол ташкилотининг ревизия комиссияси, ВЛКСМ XX съездига ва Ўзбекистон ЛКСМ XXIII съездига делегатлар сайланди.

Конференцияда Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари К. С. Саликов нутқ сўзлади.

ЭКОЛОГИК ВАЗИЯТДА ҲОЗИРЧА ЎЗГАРИШЛАР ЙЎҚ

20 январь куни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Президиуми атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари—республика Давлат агросаноат комитетининг раиси И. Ҳ. Жўрабеков олиб борди.

Комиссия аъзолари Қорақалпоғистондаги ишларнинг аҳволини кўриб чиқиб, Автоном республиканинг Министрлар Совети регионда табиатни муҳофаза қилиш ишларини яхшилаш борасида 1985 йилнинг ноябрида қабул қилинган қарорларни амалда бажаришга киришмаган, деган хулосага келдилар. Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг шу масала юзасидан чиқарган қарори умумий декларатив тусда бўлиб, унда на конкрет тадбир ва топшириқлар, на ижрочилар, на ишларни бажариш муддатлари аниқлаб берилган. Қарорни ижро этиш устидан назорат ҳам йўқ. Автоном республика Госплани ҳам четдан кузатувчи бўлиб турибди.

Фактлар бу ерда табиатни муҳофаза қилиш борасидаги ҳамма ишлар ўзибўларчиликка ташлаб қўйилганлигидан далолат бермоқда. Ҳолбуки, қонунларда бу соҳадаги ишларни давлат йўли билан бошқариш айни Автоном республика ҳукумати зиммасига юклатилган, ўз территориясидаги экологик вазият учун айни шу ҳукумат жавобгардир. Министрликлар, корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарлари бу борадаги ишлар юзасидан сира назорат этилмаслиги ва жазоланмаслиги натижасида улар амалдаги қонунларни қўпол суратда бузмоқдалар ва бунинг оқибатида атроф-муҳит саноат, қишлоқ хўжалиги ва маиший чиқитлар билан ҳамон булғанмоқда.

Комиссия Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, шахсан унинг раиси Д. С. Ёдгоров зиммасига атроф-муҳитни муҳофаза қилишга бўлган муносабатни тубдан ўзгартириш, бу вазифани бажаришни энг муҳим умумдавлат иши, деб ҳисоблаш мажбуриятини юклади. Ишни барбод этган айбдорлар қаттиқ жазоланиши керак.

Мажлисда Ўзбекистон Госкомптицепроми раҳбарларининг позициялари ҳам қаттиқ танқид қилинди. Бу комитетнинг 75 та корхонасидан атиги 22 тасида тиндиргич иншоотлар ва фильтрлар бор. Аммо шу тозалаш иншоотларининг ҳам ярмидан кўпи самарасиз ишламоқда ва қаровсиз ҳолатдадир. Шунинг учун ҳам иншоотларга келувчи оқинди, янада булғанган ҳолда кўпинча дарё ва кўлларга ўтказиб юборилмоқда... Чунончи Янгийўл бройлер фабрикасидаги, Ильич номли ишлаб чиқариш бирлашмасидаги, «Ўзбекистон» паррандачилик фабрикасидаги аҳвол шундай. Натижада очиқ ҳавзаларгина эмас, шу билан бирга ер ости сувлари ҳам булғанмоқда.

Республика Госкомптицепроми ўз корхоналари жойлашган районларда сувни муҳофаза этиш вазияти ниҳоятда қониқарсиз бўлганлигига қарамай, тозалаш объектларини қуришга ажратилган капитал маблағларни муттасил ўзлаштирмай келмоқда. Ўтган беш йилликда план атиги 23,8 процент бажарилди, холос. Бултурги йил топшириғи ҳам тамомила барбод этилди. Андижон, Жиззах, Қўрғонтепа, Ғаллаорол паррандачилик фабрикаларида, Бухоро, Ғиждувон ва Чимён бройлер фабрикаларида бундай иншоотларни қуриш бошланганига беш йилдан етти йилгача бориб қолди. Тошкент областидаги партия XXVI съезди номли паррандачилик фабрикасида эса шу иншоотлар... 1979 йилдан бери қурилмоқда.

Госкомптицепром республика ҳукуматининг қарорида кўзда тутилганидек, 1990 йилга борганда тозаланмаган оқинди сув ташлашни тамомила тўхтатишни таъминлаш учун ҳамма чораларни кўриши зарур.

Комиссия Ўзбекистон шаҳарлари, бошқа аҳоли пунктлари ва саноат марказлари атмосфера ҳавоси булғанишининг олдини олиш борасида қўшимча чоралар кўриш масаласини ҳам кўриб чиқди. Кўпгина жойларда ҳаво ҳавзаси булғанишини камайтириш у ёқда турсин, булғаниш ортганлиги қайд этилди. Бош айбдорлар ўша-ўша —автомобиль транспорти билан саноат корхоналаридир.

(ЎзТАГ).

УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК

ФАРҒОНА ОБЛАСТИ МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ ЎН ИККИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИК ВА УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛИШ ЮЗАСИДАН

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

КПСС XXVII съезди қарорларига конкрет ишлар билан жавоб бераётган, мамлакат экономикасини интенсив тараққиёт йўлига ўтказишни жадаллаштириш юзасидан партия йўлини қўллаб-қувватлаётган Фарғона области меҳнаткашлари ўн иккинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш ва Улуғ Октябрнинг 70 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан зиммаларига оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қиладилар.

Ишни тубдан қайта қуриш, меҳнаткашларни фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, хўжалик юритишнинг янги иқтисодий методларини жорий этиш тадбирларини амалга оширишга кенг жалб қилиш, давлат қабули шароитларида ишлашга қадамба-қадам ўтиш, резервлардан ҳар томонлама фойдаланиш асосида планга қўшимча тарзда 110 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш таъминланади, аттестациядан ўтказилаётган маҳсулот ҳажмида олий сифат категориясидаги маҳсулот салмоғи 22,8 процентга етказилади. Янгидан ўзлаштирилаётган барча маҳсулотлар олий сифат категорияси талаблари даражасида ишлаб чиқарилади. Шартномавий мажбуриятлар бўйича маҳсулот етказиб беришнинг тўла-тўкис бажарилиши таъминланади. Иш вақтининг унумсиз зое кетиши икки баравар камайтирилади.

Ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилиш ва техникавий жиҳатдан қайта жиҳозлашга сарфланадиган капитал маблағнинг йиллик ҳажми 100 миллион сўмга етказилади ва ускуналарнинг камида ўн процента янгиланади. Ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш суръатлари жадаллаштирилади. Беш йилликда 115 механизациялаштирилган ва автоматлашган поток линиялар ишга солинади, 24 корхона, ишлаб чиқариш, цех ва участка комплекс механизациялаштирилади ва автоматлаштирилади. Қўл меҳнатидан фойдаланиш 6 процент камайтирилади ва у 24 процентга туширилади. Белгиланган тадбирлар ҳисобига меҳнат унумдорлиги планга қўшимча тарзда 1 процент оширишга эришилади. Саноат корхоналарини икки ва уч сменали иш режимига ўтказиш давом эттирилди, бунинг эвазига ускунанинг смена коэффициенти 2,0 га етказилади. 256 миллион киловатт-соат электр энергияси, 600 минг гигакалория иссиқлик энергияси, 101 минг тонна шартли ёқилғи, 15,4 минг тонна қора металл, 56 минг тонна цемент тежалади. Иш ҳақи фондининг ҳар сўми ҳисобига халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 1,7 сўмга етказилади, ана шундай моллардан планга қўшимча тарзда 43,6 миллион сўмлик товарлар ишлаб чиқарилади.

Ҳунар-техника билим юртларида олтита янги, истиқболли касб бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилади.

Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги нишонланадиган кунгача 11 корхона, 71 цех ва участка, 436 бригада, 12 мингдан кўпроқ ишчи беш йилликнинг икки йили топшириғини бажариш мажбуриятини олди. 20 та механизациялашган поток ва автоматлаштирилган линияни ишга туширишга кўзда тутилмоқда. Планга қўшимча 368 минг погон метр ип-газлама, 600 минг жуфт пойабзал, 500 тонна қаймоғи олинмаган сут, маҳсулоти ишлаб чиқарилади, 27 миллион киловатт-соат электр энергияси тежаб қолинади.

Планга қўшимча 4 миллион нафар пассажир ва 1,7 миллион тонна халқ хўжалиги юклари ташилади. Ҳаракатдаги составнинг ортиш-туширишга вақтидаги бекор туриб қолиши 2 процент камайтирилади, корхоналар кучи билан 21,5 мингта вагон ремонт қилиб берилади. Планга қўшимча 1250 та телефон ўрнатилади.

Беш йилликнинг 130 та ишга туширилиадиган объектини, шу жумладан бир миллион жуфт пойабзал тикишга мўлжалланган Қўқон пойабзал фабрикасининг филиалини, Ёзёвон районидаги «Целинник» совхозида бузоқлар ўстириладиган саноат комплексини муддатидан илгари, аъло сифат билан фойдаланишга топшириш таъминланади. Планга қўшимча бешта 48 квартирали уй-жой фойдаланишга топширилади, бундан ташқари Горький автомобиль заводи коллективининг тажрибасига суяниб, хўжалик ҳисоби усули билан корхоналарнинг фонди ҳисобига 60 минг квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилади.

Коллектив пудратни кенг жорий этиш, интизомни мустаҳкамлаш, янги қурилиш технжикасини татбиқ қилиш асосида меҳнат унумдорлигининг пландан ташқари 1 процент оширилиши ва ҳар йили қурилиш-монтаж ишларининг таннархи камида 0,5 процент арзонлаштирилиши таъминланади. Планга қўшимча тарзда ўз кучлари билан 6 миллион сўмлик пудрат ишлари бажарилади.

Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги нишонланадиган кунгача 10 та қурилиш объекти, шу жумладан «Атлас» ишлаб чиқариш бирлашмасининг 100 кишига мўлжалланган профилакторийси, 700 ўринли учта болалар боғчаси, Қўқон шаҳрида 60 ўринли болалар касалхонаси, 12 минг квадрат метр уй-жой муддатидан илгари фойдаланишга топширилади.

СССРнинг Озиқ-овқат программаси яна ҳам жадалроқ суръатларда амалга оширилаверади. 10,3 минг гектар янги ер ўзлаштирилади. 95,5 минг гектар ерда суғориш системалари қайта қурилади ва сув таъминоти яхшиланади. 47,5 минг гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланади.

Интенсив технологияларни, меҳнатни ташкил этишнинг илғор формаларини жорий этиш эвазига ҳар гектар ердан 32 центнердан ҳосил олиниши таъминланади. Давлатга пландан ташқари 30 минг тонна пахта, 1800 тонна дон, 15 минг тонна сабзавот сотилади. Ҳосилнинг 60 проценти машиналарда териб олинади.

Чорвачилик маҳсулдорлиги анча оширилади. Ҳар бир сигирдан 3000 килограммгача сут соғиб олиниши таъминланади, ҳар бир товуқдан 185 та тухум олинади, ғўштга топшириладиган ҳар бир қорамолнинг вазни 450 килограммга етказилади. Давлатга планга қўшимча равишда 400 тонна ғўшт, 5000 тонна сут, 1 миллион 200 минг дона тухум ва 50 тонна пилла сотилади.

Улуғ Октябрнинг 70 йиллигигача пахта, дон маҳсулотлари ва пилла тайёрлаш юзасидан беш йилликнинг икки йили плани муддатидан илгари бажарилади.

Социал-маиший ва маданий объектларни ишга тушириш планларининг ҳар йили ошириб бажарилиши таъминланади. Аҳолининг мактабгача тарбия болалар муассасалари, мактаблар, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари билан таъминланиш даражасини нормативда белгиланган даражаларга тобора мумкин қадар кўпроқ яқинлаштирилади. Маблағ билан таъминлашнинг барча манбаларидан фойдаланиб 2 миллион 225 минг квадрат метр уй-жой меҳнаткашларга топширилади.

Аҳолининг эҳтиёжларини тўлароқ қондириш мақсадида 1990 йилда 5,5 минг тонна маҳсулот сиғадиган мева-сабзавот омбори қурилади. Аҳолига хизмат кўрсатиш ҳажми 1,5 баравар оширилади.

Область меҳнаткашлари партия XXVII съезди қарорларини амалга оширишга, мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришга муносиб ҳисса қўшамиз, деб КПСС Марказий Комитети ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетини ишонтирадилар.

Социалистик мажбуриятлар область меҳнат коллективларининг йиғилишларида қабул қилинган.

ТОШКЕНТДАГИ «МАЛИКА» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТРИКОТАЖ БИРЛАШМАСИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ 1987 ЙИЛГИ ВА ЎН ИККИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИККА МЎЛЖАЛЛАНГАН

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Тошкент «Малика» ишлаб чиқариш трикотаж бирлашмасининг коллективи партия XXVII съездининг ва КПСС Марказий Комитети 1986 йил июнь Пленумининг қарорларини яқдиллик билан қўллаб-қувватлаб ва амалга ошира бориб, беш йилликнинг биринчи йили плани ҳамда социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажарди ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни ҳамда хизмат соҳасини ривожлантиришнинг 1986—2000 йилларга мўлжалланган комплекс программасида ўртага қўйилган вазифаларни бажариш учун ўз масъулиятини англаб, Улуғ Октябрнинг 70 йиллигини муносиб кутиб олиш ва ўн иккинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдириб, ўз зиммасига қуйидаги социалистик мажбуриятларни қабул қилади.

Корхонада хўжалик юритишнинг янги усулларини ва илғор тажрибани актив жорий этиб, 1987 юбилей йилда қўшимча равишда 200 минг сўмлик, шу жумладан Улуғ Октябрнинг 70 йиллигигача 170 минг сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилади. Меҳнат унумдорлиги 1986 йилги планга нисбатан 5,7 процент, беш йиллик давомида эса 30 процент оширилади. Трикотаж маҳсулотлар ишлаб чиқариш бир йилда 16,9 процент, 1990 йилгача эса 50 процент кўпайтирилади.

1987 йилда юқори сифат потокларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг салмоғи 1986 йилдаги 16 процент ўрнига 22 процентга етказилади, «Янгилик» индекси қўйилган ва шартномавий нархлар белгиланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш аттестация қилинадиган маҳсулот ҳажмининг 25 процентига етказилади. Беш йиллик охиригача сифати яхшиланган ва, айниқса, мода бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш 35 процентгача кўпайтирилади. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг турлари ҳар йили 70 процент янгиланади.

Ресурсларни тежайдиган технологияларни жорий қилиш, иқтисодий тежашни кучайтириш, маҳсулот тайёрлаш учун ишлатиладиган материал миқдорини камайтириш ҳисобига беш йиллик мобайнида 11 тонна хом ашё, 120 гигакалория иссиқлик энергияси, 100 минг киловатт-соат электр энергияси, шу жумладан 1987 йилда 2,5 тонна хом ашё, 20 минг киловатт-соат электр энергия, 30 гигакалория иссиқлик энергияси ва 10 тонна ёқилғи тежаб қолинади.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун 1987 йилда фабрикалар, цехлар, участкалар, бригадалар тўла хўжалик ҳисобига ўтказилади. Асбоб-ускуналарнинг смена коэффициенти 1,63 дан 1,81 га етказилади. Иш жойларини аттестациядан ўтказиш ва оқилона ташкил этиш ниҳоясига етказилади. 800 минг сўм иқтисодий ҳаф берадиган 200 та рационализаторлик таклифи ишлаб чиқаришга жорий этилади. Қўл меҳнати билан шуғулланувчи 50 ишчи қисқартирилади.

Коллективнинг социал ривожланиши тадбирларини амалга ошириб, санитария-маиший бинолар билан таъминланиш нормаларига мувофиқ ҳолга келтирилади, маиший хизмат кўрсатишнинг тўла комплекси барпо этилади. Улуғ Октябрнинг юбилейигача бирлашмада физкультура-соғломлаштириш маркази, Хумсон посёлкасида дам олиш зонаси ишга туширилади. Ободонлаштириш ишлари бажарилади ва «Малика» боғдорчилик-узумчилик ширкати уюшмасининг боғ уйчалари қурилишида ёрдам берилади. Бирлашманинг ҳар бир ходими беш йилликнинг ҳар йилида шу объектларда 4 кун ҳақ олмай ишлаб беради.

Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишни амалга ошириш юзасидан оталиқдаги 183-, 69-, 102-мактабларда, 46-махсус ҳунар-техника билим юртида 85 киши ишлайдиган ишлаб чиқариш участкалари ташкил этилади, 1500 ўқувчига трикотаж мато тўқиш ва моторчи-тикувчи касблари ўргатилади.

КПСС билан Совет ҳукуматининг тинчликсевар ташқи сиёсатини маъқуллаб ва қўллаб-қувватлаб, халқаро вазиятни нормаллаштиришга ўз ҳиссасини қўшишга интилиб, бирлашма коллективи тинчлик вахтасида туриб ишлаш ва Совет тинчлик фондига 8000 сўм пул ўтказиш мажбуриятини олади.

Мамлакат илғор коллективларининг Улуғ Октябрь 70 йиллигини муносиб кутиб олиш соҳасида КПСС Марказий Комитети маъқулланган ташаббусини қўллаб-қувватлаб, мусобақа илғорларидан 1000 киши, 20 та бригада беш йилликнинг икки йили ва ундан ҳам кўпроқ топшириғини шонли санагача бажарадилар.

Бирлашма коллективи, ўзимизнинг бутун кучимиз, билимимиз, тажрибамизни Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигини муносиб кутиб олишни таъминлашга, КПСС XXVII съезди режаларини муваффақиятли равишда амалга оширишга қаратамиз, деб Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетини ишонтиради.

Социалистик мажбуриятлар Тошкент «Малика» ишлаб чиқариш трикотаж бирлашмаси меҳнат коллективларининг йиғилишларида муҳокама қилиниб, қабул этилган.

Халқлар дўстлиги — Ленининг муқаддас васияти

Пролетар партияси миллатларнинг бир-бирига яқинлашувига... барча миллат ишчи ва меҳнаткаш оммасининг эркин, биродарларча иттифоқини тузиш йўли билангина эришишни истайди.

В. И. ЛЕНИН.

БУ ШУНДАЙ КУЧКИ...

Хонлик истибдоди, мустамлакачилик зулми остида асрлар бўйи эзилиб келган Хоразм воҳаси халқларининг уйғониши ва озодлик учун курашга отланишида Россиядаги революцион воқеаларнинг таъсири катта бўлганлиги шубҳасиз. Аму соҳилида яшовчи ўзбек, туркман, қорақалпоқ ва қозоқ миллатларига мансуб бўлган меҳнаткашлар орасидан эътиқодли революционерлар ўсиб етишувида ана шу омил муҳим роль ўйнади.

Рус большевикларидан Крашилов, Шчербаков, Шайдаков ва бошқалар ўша даврда катта ташкилотчилик ва ғоявий-тарбиявий иш олиб бордилар. Натижада Жума Оташев, Аҳмаджон Иброҳимов, Жуманиёз Эшмуҳамедов, Аҳмад Маҳмудов сингари революционерларнинг сафи кенгайди.

Янги замон бошланишидан дарак берган «Аврора» садосидан Хива хонининг тахти ҳам ларзага келди. 1920 йил февралида ўлкада бахт тонги отди. Халқ революцияси натижасида хонлик тузумига абадий хотима берилди.

Ленинча миллий сиёсатнинг самараларини, халқлар дўстлигининг ҳаётбахш кучини биз ҳар бир жабҳада кўриб, ҳар қадамда сезиб турибмиз. Воҳада юз берган том маънода буюк социал-иқтисодий ўзгаришларга улуғ рус халқининг, беподо мамлакатимиздаги барча халқларнинг ҳиссаси бениҳоя катта.

Область қишлоқ хўжалигини мисолга олайлик. Пахтачилик ва бошқа тармоқларнинг интенсив ривожланишида, фан техника тараққиётида, мамлакатимиз барча регионлари машинасозлари, химиклари ва олимларининг бебаҳо хизмати муҳим роль ўйнамоқда. Яқиндагина ишга туширилган Хонқадаги дон комбинати конвейерига Украина ва Қозоғистон ғаллакорлари дон етказиб беришяпти. Бизнинг йигит-қизларимиз Новгородда ҳам, Урганч билан биродарлашган Читада ҳам бунёдкорлик ишларини амалга оширмоқдалар.

Узоққа бормайлик. Шу воҳадаги Туркманистон ССРнинг Тошовуз области ва Қорақалпоғистон АССР билан Хоразм области ўртасидаги қардошлик мусобақаси анъанага айланиб, халқлар дўстлигининг қудратли кучини намойиш этмоқда. Бутун мамлакат қурган улкан Туямўйин гидроузели уч областнинг сув проблемасини узил-кесил ҳал этишга имкон берди. Тахиатош ГРЭСи нури на фақат Қорақалпоғистон, балки Хоразм ва Тошовузда ҳам хонадонларни чароғон этяпти. Хуллас, сувни ҳам, нурни ҳам, ҳамма бойликларни ҳам баҳам кўрмоқдамиз. Бирга ишлаб, биргаликда нимани яратсак, ўшанинг эгаси ўзимиз.

Биз, ветеранлар воҳадаги интернационал коллективларни турли миллат вакиллари халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида қўлга қўл бериб ишлаётганлигини, уларнинг турмуш тарзига дўстлик, биродарлик ва ўртоқлик каби ахлоқий принциплар чуқур сингиб кетганлигини кўриб чексиз фахрланамиз. Ахир буларнинг ҳаммаси ленинча миллий сиёсат оғишмай амалга оширилаётганлигининг жонли далили-ку! Оловли йилларда, Улуғ Ватан уруши даврида кўп миллатли мамлакатимиз халқларининг бирдамлиги ва биродарлиги енгилмаслигимиз манбаи эканлиги исботланди. Дўстлик барқарор экан, улуғвор режаларимиз, тинчлик ғоялари ҳам рўёбга чиқиши муқаррар.

Афсуски, миллатлар ўртасидаги дўстликка раҳна солишга, битта халқни иккинчи халққа қарши қўйишга ҳаракат қилувчи ғоявий муҳолифларимиз бизни заифлаштиришга уринмоқдалар. Бундай хатти-ҳаракатларга революцион ҳушёрликни, юксак онглилик ва актив ҳаётий позицияни, бирлик ва аҳилликни қарши қўймоғимиз лозим. Бизнинг йўлимиз битта йўл — Ленин йўлидир. Ленин йўли — дўстлик йўлидир.

Дўстлик кечаларида, ёшлар билан учрашувларда кўрган кечирганларимиз, бирдамлик ва аҳилликнинг шарофати тўғрисида ҳикоя қилиб беришга тўғри келади. Чунки ёшларни дўстликни қадрлашга ва авайлаб сақлашга, инсоний садоқатга ўргатиш ҳар биримизнинг бурчимиз. Рус тилини фронт шароитида ўрганиб, ҳар хил миллат кишилари билан шу тил орқали дўстлаша олган оғайниларим бор. Бу билан демоқчиманки, ёшлар улуғ Ленин тилини — иккинчи она тилимизни қунт билан ўрганишлари керак. Уни мукаммал билиш маданиятли ҳар бир кишига ҳам қарз, ҳам фарз.

Қайта қуриш, туб бурилишлар даврида — ана шу масъулиятли босқичда ленинча миллий сиёсатнинг, халқлар дўстлигининг қудратбахш кучи айниқса яққол намоён бўлмоқда. Бу шундай кучки, унинг ҳаётбахш шуъласи кураш ва ғалабаларимиз йўлини ҳамиша машъалдек ёритади.

Р. ҚУТЛИМУРОДОВ,
республика аҳамиятига молик шахсий пенсионер, 1930 йилдан КПСС аъзоси.

— Владимир Ильичнинг бир қарашда кўзга содда кўринадиган ташқи қиёфаси бор эди. Ҳа, бу фазилатлар чиндан ҳам биринчи қарашдагина, фақат ташқи томондангина кўзга кўринарди. Аслида эса доҳий ғоят гўзал фазилатлар соҳиби, сўзлари, иборалари бир-бирига ниҳоятда мос бўлиб чиройли нутққа айланар эди.

Рус тили ўқитувчиси Гулчеҳра Воҳидова В. И. Ленин хотирасига бағишланган ҳар бир дарсни доҳийнинг бутун характерини очиб бериб, унинг жўшқин революцион ҳаёти ва кураши хусусида тўлақонли мисоллар асосида ўтказади. Г. Воҳидова ишлаётган Самарқанддаги Алишер Навоий номли 10-ўрта мактабда В. И. Ленин хотирасига бағишланган дарслар пухта тайёргарлик билан юксак савияда ўтказилмоқда. Бу ерда ўқувчиларнинг ўзлари деворий газеталар чиқарадилар, доҳийга бағишланган экспозицияларни тайёрлайдилар. Жаҳон пролетариати доҳийси ҳаёти ва фаолиятини ҳикоя қилувчи турли кўргазмалар ташкил этадилар.

Суратда: мактабнинг рус тили ўқитувчиси Г. Воҳидова 6-синф ўқувчилари билан машғулот ўтказмоқда.

Р. ҒАФУРОВ фотоси (ЎзТАГ).

Хотин-қизларни сиёсатга жалб қилмасдан туриб оммани сиёсатга жалб қилиб бўлмайди.

В. И. ЛЕНИН.

КАМАРБАСТАМИЗ

Пиллакашларимиз айни кунларда масъулиятли дамлар оғушида меҳнат қилишмоқда. Ҳаммамизнинг муддаоимиз корхонамиз ташкил топган кунининг 60 йиллигини фахр этса арзигулик меҳнат тўёналари билан кутиб олишдир. Ҳ. Пўлатова, Ҳ. Мирзаева, М. Жўлиева, С. Ҳошимова сингари илғор хотин-қизларнинг шонли айём вахтасида туриб зарбдорчасига ишлаётганлиги ҳамкасбларнинг кучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшмоқда.

Биз, корхонанинг кекса авлод вакилалари эса улар хаётини фабрика ишлаб чиқариш билан боғлаганимиз, ўзимизга муносиб ўринбосарлар тайёрлаганимиз ҳамда ёшларга касб-ҳунар ўргатганимиздан бошимиз кўкда. Т. Попова, М. Дериганова, Р. Кенжанова, Ф. Жамилова, О. Гладкова... Улар менинг сафдошларим, 40 йилдан зиёд вақт ўтяптики, биз бирга ишлаб келяпмиз. Юбилей арафасида тез-тез йиғилишиб турамиз. Суҳбатимиз мавзуи ўз-ўзидан ҳаётимизнинг аччиғи ҳам, чучуғи ҳам фабрикамиз босиб ўтган йўл билан боғланганига келиб тақалади. Лекин ҳеч қайсимиз умримизни шу ерда меҳнат билан ўтказаётганлигимиздан нолимаймиз.

Хусусан мен ўн беш ёшимдан буён шу ерда, одамлар орасида бўлиб, кам бўлмадим. Урушдан кейинги дастлабки тикланиш йиллари машаққат чекишга тўғри келди. Кунига 12 соатлаб бир қозонларидан тола ажратиб олиш малол келмасди. Фабрика иш бошлаган дастлабки кунларданоқ шу ерда меҳнатга қўл урган фидойи опаларимиз О. Умарова, Л. Макаровалар бор куч-қувватлари билан корхона шуҳратини, Ватан қудратини оширишга бағишлашдан ташқари биз ёшларга ғамхўрлик кўрсатиш, касб сирларини ўргатишни ҳам бемалол эплардилар. Корхонамиз қаддини, юкини ҳозиргача кўтариб келаётган хотин-қизлар ҳақида ўйлар эканман, ўтмишда остона ҳатлаб йўлакка чиқа олмаган, ҳаётбахш меҳнат завқидан бебаҳра қолган аждодларимизга ич-ичимдан ачиниб кетаман. Оламаро балққан Ленин зиёсига юз бураман. Зотан улуғ доҳий, жонажон Коммунистик партиямиз биз хотин-қизлар бошини меҳр-ардоқ билан силади. Ҳақ-ҳуқуқимизни, қадримизни баланд қўйиб, ўзлигимизни намойиш этиш йўлини нурга йўғирди. Эндиликда биз улуғ воқеалар иштирокчиси, анжуманлар соҳиби, депутат, қаҳрамон, ҳазрати ишчилар вакиласи, Ватан тақдири учун масъул, унинг куч-қудратини, бойлигини оширишга камарбаста, баркамол инсонмиз.

Фабрикамизда меҳнат қилаётганларнинг 96 процанти хотин-қизлар. Мен мастерлик қилаётган сменада 150 қиз-жувон меҳнат қилади. Сменамиз коллективи ўтган йилги планни шараф билан уддалади. Айни пайтда ҳар куни 91 кг, бир ойда 2301 кг тола тайёрлашга эришяпмиз.

Мавриди келган шу ерда бир-икки мулоҳазаларимиз ҳақ-ноҳақ эканлигини ўйлаб кўрсак, ҳеч ҳаётимизга ҳисобсиз ҳисобсиз ҳисобсиз

• *Давлат қабули: тажриба ва муаммолар*

ДАДИЛ ҚАДАМ

Фахрлансак арзийдиган удумларимиз бор. Шулардан бири —ҳожатбарорлик. Ҳожатбарорлик —бу кимгадир холис хизмат кўрсатиш. Агар кўрсатилган хизматдан мухлиснинг кўнгли тўлса, ҳунарманд беҳад хурсанд бўлади. Аксинча, ясаган буюмнинг буюртмачига ёқмаса, бу ниҳоятда қаттиқ уят. Удумимиз маъноси шундай.

Партия ва ҳукуматимиз маҳсулотларимиз сифатини тубдан яхшилаш хусусида кўнглимиздагини топиб, оқилона чора-тадбирлар кўрдилар. Шу туфайли иш жойларида сифатсиз ва брак маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлига мустаҳкам тўсиқ қўйилди. Сифатнинг ролига баҳо беришдаги лоқайдлик, ўзбошимчалик, нопоклик, кўзбўямачилик каби иллатларнинг пайини таг-томири билан қирқиш йўли танлаб олинди.

Дарҳақиқат, маҳсулот ишлаб чиқарувчи ўз касби билан фахрланган, халқ эътирофининг аҳамиятига тушуниб етган тақдирдагина сифатли иш қилиши мумкин. Шунинг учун ҳам эндиликда ишчидан тортиб то мутахассис, раҳбарларгача ўқитиш, улар масъулиятини ошириш, ўтмишнинг ноҳуш фактларидан хулоса чиқара билиш тадбирлари қизғин амалга оширилмоқда. Ҳар бир кишининг онгига сифат ҳақидаги ҳақиқат чўнакамига, коммунистчасига сингдирилмоқда.

Ишлаб чиқаришдаги кўпчилик кишилар сифатни таъминлаш, энг яхши анъаналарни қайта оёққа турғизиш, уни изчил давом эттиришга бел боғлаш билан эл олқишига сазовор иш қилмоқда. Буни маҳсулотнинг давлат қабулига ўтган корхоналар коллективлари фаолиятида ҳам кўрса бўлади.

Бизнинг корхонамизда ҳам сифатни янгича назорат қилишга доир дастлабки қадам қўйилганига ҳеч қанча вақт бўлгани йўқ. Лекин ўзгаришлардан бирлашмамиз ҳар бир ишчиси ва хизматчиси хурсанд. Давлат қабули жорий этилган дастлабки ой —октябрда маҳсулотларнинг 30 проценти шу фаолият доирасига кирган бўлса, эндиликда 100 проценти давлат назоратидан ўтаётир. Бунинг ижобий натижаларини кўриб турибмиз.

Тўғри, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажм жиҳатдан бирмунча камайган бўлса-да, аммо сифатни таъминлашсари дадил қадам қўйилди. Дастлабки кунларда маҳсулотларнинг 40—45 проценти брак ва нуқсони борлиги туфайли қайтарилган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 10—15 процентга тушди. Буни сифат учун жонкуярлик деб баҳолаш керак. Негаки, давлат қабули органи ишчи ва хизматчилардан ана шундай ишлашни қатъий талаб қилмоқда.

Тўғрисини айтганда, дастлабки қадамларни қўйиш ҳийлагина қийин кечмоқда. Ҳатто кўнгилсизликлар ҳам бўлиб турибди. Ишчиларнинг ойлик маоши бирмунча камайгани сезилмоқда. Лекин бу вақтинча ҳол эканлигини ишчилар тўғри тушунмоқдалар, вақтинча қийинчиликдан кўнгилларини, руҳларини туширганлари йўқ. Эндиликда сифат учун кураш биринчи ўринга чиқди. Бу анча меҳнат, вақт сарфлашни талаб этади.

Ҳозир тайёр маҳсулотлар майдонидаги қатор-қатор чиройли ва юқори сифатли сеялкалар, кўрак чувиш машиналари ва бошқа машиналарни кўриб ўзимиз ҳам қувонмоқдамиз. Маҳсулотлар истеъмолчиларга манзур бўлаётгани кўнглимизни яна ҳам кўтариб юборди.

Қишлоқ хўжалик машина ва ускуналарини юқори сифатли тайёрлаш билан бирга ишлаб чиқариш планларини ҳам ошириб бажариш учун астойдил курашмоқдамиз. Бунга тўла имконият бор. Энг муҳими, ишчиларнинг руҳи тетик ва кайфияти баланд.

Шуни ҳам айтиш керакки, бирлашмамиз маъмурияти, партия ва касаба союз ташкилотлари давлат қабули органига корхонамизнинг энг яхши, ҳалол, виждонли, уддабурон, тажрибали мутахассис ва ишчиларини юбордилар. Бу билан хайрли ишда катта олижаноблик кўрсатилди. Айни пайтда бу масъулиятли ва мураккаб ишга коммунист мутахассислар юборилишига алоҳида эътибор берилди. Чиндан ҳам ҳозир ишлаётган ўн нафар давлат назоратчисининг тенг ярми КПСС аъзоларидир.

Айни пайтда бирлашмамиз меҳнат коллективларида коммунистлар катта ва етакчи куч бўлиб турибдилар. Сафларимиздаги 450 коммунистга ниҳоятда масъулиятли ва энг муҳим участкалар ишониб топширилган. Қариб барча цех бошлиқлари ва мутахассислари, ўрта бўғин раҳбарлари, чунончи бригада бошлиқларининг кўпчилиги коммунистлардир. Кутганимиздек, коммунистлар сифат учун курашда ҳамма учун ибрат кўрсатмоқдалар, яхши ишларга коллективларни руҳлантирмоқдалар. Айниқса, Абдуғани Абдухолиқов, Холмурод Қодиров, Шайхзод Ражабов, Петр Шулигин, Зайниддин Шокиров каби коммунистларнинг резервларни ишга солишдаги шахсий намуналари эътиборга лойиқ.

Корхонамиздаги давлат қабули органига раҳбарлик қилаётган Ҳусниддин Умаровнинг ўзи ветеран ишчи ва синалган коммунистлардан бири. У мазкур вазифага ўтгунга қадар йигирма йилдан кўпроқ етакчи мутахассислардан бири сифатида меҳнат қилди. Касби механик-инженер бўлган бу етук мутахассис деярли барча цехларда ишлади, ўзининг юксак ташкилотчилик ва изланувчанлик истеъдодини намоён этди. Сўнгги йилларда эса бирлашма бош инженерининг ўринбосари сифатида цехлардаги техника ва технологияни янгилашга, реконструкция қилишга катта ҳисса қўшди. Ҳозир у давлат қабули органида корхона маркаси учун чинакам жонкуярлик билан ишламоқда. Давлат қабули органидаги бошқа кишилар ҳам «Узбексельмаш»нинг ўзида меҳнатда тобланган, катта обрў-эътибор топган ишчи ва мутахассислардир.

Афсуски, брак ва нуқсонли маҳсулотларни ҳам давлат қабулига тақдим этишга уриниш ҳоллари батамом барҳам топган деб бўлмайди. Тайёр маҳсулотларнинг қайтиши ҳамон давом этмоқда. Чунончи, ялпи маҳсулотларнинг кунига 20—30 процентгача қисми сифат назоратчилари эътирозига сабаб бўлмоқда.

Тошкент область партия комитетининг яқинда бўлиб ўтган пленумида бу ҳақда жиддий гаплар бўлди. Дарҳақиқат, давлат қабулининг моҳияти ва вазифалари ҳали ҳар бир меҳнатчининг онгига етказилмаган. Бир маромдаги иш таъминланмаган, бу эса сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга ва давлат қабули органларининг нормал ишлашига халақит бермоқда.

Корхонамиз ишчи ва хизматчилари ўз имкониятлари ва резервларидан тўлиқ фойдаланиш учун кураш олиб борар эканлар, айни пайтда таъминотчилар ва бошқа шерикларнинг ҳам яхши, самарали ишлашларини астойдил кутмоқдалар. Негаки, хом ашёнинг сифати ҳамиша ҳам талабга жавоб бермаётир. Айниқса, Душанба шаҳридан келаётган 53-узелнинг кўпчилиги бракка чиқиб кетади. Шунингдек, Тошкент агрегат заводидан олинаётган хом ашёнинг сифати яхшиланишига секин эришиляпти. Корхонамиздаги 3-, 6-, 10-цехлар ва баъзи участкалардан етказиб берилаётган маҳсулотлар сифатига ҳам эътирозларимиз бор.

Республикамиз қишлоқ хўжалик машинасозлиги корхоналари орасида нуфузли ўринлардан бирини эгаллаб келаётган «Узбексельмаш» маркаси шуҳратини ошириш йўлида бутун куч, ғайрат ва имкониятни ишга солиб меҳнат қилаверамиз.

Т. НОРМУҲАМЕДОВ,

«Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси сеялка йиғувчилар комплекс бригадаси ишчиси.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми матбуотда кўп йил самарали ишлаганлиги, марксча-ленинча назарияни пропаганда қилишга катта ҳисса қўшганлиги учун «Ўзбекистон коммунисти» — «Коммунист Узбекистана» журналининг редколлегия аъзоси, бўлим редактори ўрток Евгений Иванович Завалишинни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

• *Ташвишли сигнал*

ЯНГИ УЙНИ... РЕМОНТ ҚИЛИБ БЎЛИШДИ

«Бухарагазпром строй» трестига қарашли 1-қурилиш-монтаж бошқармасининг ишчилари Ульянов кўчасида яқиндагина қурилган турар-жой биносини... ремонт қилиб бўлдилар.

48 квартирали бу уй ўтган йили фойдаланишга топшириладиган объект эди, уни топширишга жуда шошилдилар. Дарҳақиқат, декабрь ойи бошларида ишлар бажарилди, деб рапорт беришди.

Аммо ордер олган кишилар унга кўчиб киришдан қатъий бош тортдилар. Тўқимачилик район Совети ижроия комитетининг вакиллари ҳам уларни қўллаб-қувватладилар.

Қувватламай бўладими ҳам? Қийшиқ-қинғир дераза ва эшиклар, полга пала-партиш қоқилган тахталар, сувоғи кўчиб ётган деворлар, ёпилмайдиган кранлар, канализациянинг ёрилган қувурлари — мана шуларнинг ҳаммаси пала-партиш қилинган ишни мана ман деб кўрсатиб турган эди. Қурувчилар мана шундай уйни топшириш учун тақдим этдилар. Афтидан, улар аввалги йилларда бўлганидек ўтиб кетади, деб умид қилишган бўлса керак.

Бу гал уларнинг ҳунари ўтмай қолди. Қурилиш-монтаж бошқармасининг раҳбарларига область халқ контроли комитети олдида жавоб беришга тўғри келди. Комитетнинг қарори билан уй ремонт қилинди, бу эса 3 минг сўмга тушди.

«Бухарагазпром строй» трести — областдаги энг баҳ қувват қурилиш ташкилотларидан биридир. У қўпгина катта-катта ва мураккаб объектларни барпо этган. Лекин бу ерда шу нарса ҳеч кимга сир эмаски, Газлидаги кейинги зилзила вақтида фойдаланишга топшириш арафасида қулаб тушган ўша ночор мактабни айни «Бухарагазпромстрой» трести қурган эди. Яхши ҳамки, болалар бинога киришга улгуришмаган экан...

Ҳозирги ҳодиса ўша пайтдаги воқеалардан барибир чинакам хулоса чиқариб олинмаганлигини кўрсатди. Трестда бригада ва участкаларнинг иши ҳали ҳам яхши ташкил этилмаган, нормал меҳнат шароитлари яратилмаган. Кейинги йил ичида 205 киши ишга қабул қилиниб, 265 киши ишдан бўшаб кетганлиги тасодифий эмас. Планлар ҳам бажарилмаётганига ажабланмаса бўлади. Зирабулоқ насос станцияси, Денгизкўл газ конидаги, Қуйимозор сув омборидаги объектлар, Бухородаги 40 квартирали уй графикдан орқада қолиб қурилмоқда.

Кўриб турибсизки, бу ерда тартиб ўрнатиш пайти аллақачон келган. Эҳтимол, бу ишни эндигина қуриб битказилган объектни ремонт қилишга совурилган уч минг сўмни ундириб олишдан бошлаш керакдир. Халқ контролига шундай қилармикан, деб ҳаққоний савол беришмоқда, янги уйга кўчиб кирган кишилар.

А. ФОЗИЛОВ,
ЎзТАГ мухбири.

«Совет Ўзбекистони»га жавоб берадилар

ЎЗБЕКИСТОН ССР ПРОКУРАТУРАСИ:

— Навоий районида яшовчи Қ. Очиловнинг ўғли ўлимида айбдор бўлган шахсларга нисбатан чоралар кўрилмаганлиги тўғрисидаги хати текширилди.

Мазкур иш бўйича текшириш ўтказишда сансалорликка йўл қўйганлиги ва шошма-шошарлик билан бир қарорга келганлиги учун Навоий область прокуратураси терговчиси Рустамова область прокурори буйруғи билан ҳайфсан эълон қилинди.

Ишда жиддий камчиликларга йўл қўйганлиги учун Навоий шаҳар прокурори Ш. Шамсиев Ўзбекистон ССР прокурори буйруғи билан вазифасидан бўшатилди.

НАВОИЙ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИ:

— Нурота районидаги 18-мактабдан олинган хат юзасидан текшириш ўтказилди.

Район партия комитети бюроси таълим-тарбия жараёнини қониқарсиз йўлга қўйганлиги учун мактаб директори Б. Рустамова ҳисоб варақасига ёзиш шарти билан қаттиқ выговор эълон қилди.

Шунингдек, мактаб бошланғич партия ташкилоти секретарига, синфдан ва мактабдан ташқари ишлар ташкилотчисига, хотин-қизлар совети раисига ва синф раҳбарига ҳам қаттиқ партиявий жазо кўрилди.

Район халқ маорифи бўлими мудири А. Расуловга қаттиқ кўрсатиб ўтилди. Хотин-қизлар билан ишлаш масаласи район халқ маорифи бўлими ва мактаб педагогика советларида, ота-оналар йиғилишида муҳокама қилинди.

ҒАЛЛАОРОЛ РАЙОН СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ:

— Райондаги Карл Маркс номли совхозининг 3-бўлимидан тушган шикоят хат текширилди. Ундаги баъзи фактлар тасдиқланди. Масалан, бўлимда меҳнат интизоми анча бўшаштириб юборилган. Совхоз дирекциясининг буйруғи билан меҳнат интизомини бўшаштириб юборганлиги ҳамда ишда бошқа хато ва камчиликларга йўл қўйганлиги учун бўлим бошқарувчси А. Номозов лавозимидан озод қилинди.

* * *

Шунингдек, Ғаллаорол район Совети ижроия комитетидан «Ғаллаорол» совхозида яшовчи Ж. Норовнинг шикоят хати юзасидан ҳам расмий жавоб олинди. Унда қайд этилишича, 2-ферма раҳбарлари томонидан меҳнат қонуни бузилган, айни вақтда ариза чининг ўзи ҳам бир неча марта меҳнат тартибини бузган. Ҳозирги вақтда Ж. Норов совхозининг марказий ремонт устахонасида ишчи бўлиб ишламоқда.

Халқаро воқеалар

«СИЗЛАРГА БАХТ-САОДАТ ТИЛАЙМИЗ»

НЬЮ-ЙОРК университетининг студентлари ва муаллимлари шу қўшиқни Тошкентдаги 101-мактабнинг юқори синф ўқувчилари билан биргаликда куйладилар. АҚШдан келган меҳмонлар группасининг раҳбари Жеймс Либерманнинг айтишича, ана шу учрашувда «самимий ишонч иқлими» ҳукм сурди. Ёшларнинг инглиз ва рус тилларида ўтказган жонли суҳбатлари ҳам, ҳаваскор артистларнинг концертлари ҳам ҳамжиҳатлик руҳини вужудга келтирди.

Тошкентлик мактаб ўқувчилари — интернационал дўстлик клубининг аъзолари, чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа Ўзбекистон жамиятининг активлари меҳмонларга болалар чизган «Биз тинчлик тарафдоримиз» деган плакатлар виставкасини кўрсатдилар, улар қандай яшаб, ўқиётганликлари, бошқа мамлакатлардаги тенгдошлари билан дўст тутинганликлари тўғрисида гапириб бердилар.

— Кўпчилигимиз Ўзбекистонга биринчи марта келдик. Делегациямиз аъзолари янги дўстлар тўғрисида энг самимий эсдаликлар билан Ватанга қайтиб боришларига аминман, — дейди Жеймс Либерман. —Совет болалари менга икки ўғлим ва қизимни эслатдилар. Фарзандларим ҳам СССРдаги тенгдошлари орасида дўст топишни орзу қиладилар. Бунга шундай оққўнгиллик ва тинч мулоқот қилиш билангина эришиш мумкин. Педагог ва ота сифатида Совет ҳукуматининг тинчлик таклифларини тўла-тўкис қўллаб-қувватлайман. Чунки бу таклифлар ядро фалокатининг олдини олишни, халқлар ўртасида мустаҳкам тинчлик ўрнатишни кўзлайди. Уруш бўлмаса худди бугунгидек дўстлаша оламиз, халқларимизнинг бой маданий ва илмий тажрибалари билан баҳам кўришамиз.

Н. ПОЛЯНСКАЯ,
ЎзТАГ мухбири.

Учрашув пайти.

А. Горокрик фотоси (ЎзТАГ).

МИЛЛИЙ ЯРАШ ЙЎЛИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

КОБУЛ, 19 январь. (ТАСС). Бахтар агентлигининг хабар қилишича, Жавжон, Нангарҳар, Қундуз, Лағмон, Ҳирот ва бошқа вилоятларда меҳнаткашларнинг оммавий митинг ва йиғилишлари бўлиб, уларда Афғонистон раҳбарларининг умуммиллий тинчликка ва қон тўкишни тўхтатишга қаратилган йўли қўллаб-қувватланди. Митинг ва йиғилишларнинг қатнашчилари шу йил 15 январдан бошлаб ўт очиш ихтиёрий равишда тўхтатилганини табрикладилар ва бу қадамни ҳукуматнинг муҳим ташаббуси деб баҳоладилар.

АДР Революцион Кенгаши раиси вазифасини ижро этувчи Ҳожи Муҳаммад Цамканининг пуштунларнинг Тури қабиласи вакиллари билан учрашувида Афғонистон раҳбарлари ўтказаётган миллий яраш сиёсатининг мақсадлари ва вазифалари диққат марказида бўлди. Ҳар бир киши тинчликка интилмоқда, деди Х. М. Цамкани. Бироқ афғонлар учун «тинчлик» сўзи алоҳида маъно касб этади, чунки мамлакатимиз территориясида неча йиллардан бери давом этаётган эълон қилинмаган уруш халққа беҳисоб азоб-уқубат ва ғам-ғусса келтирди.

Курram вилоятида (Покистоннинг шимоли-ғарбий чегара вилояти) яшовчи Тури қабиласининг бошлиқлари ва оқсоқоллари АХДП билан АДР ҳукуматининг Афғонистонда миллий иноқликка эришиш йўлидаги куч-ғайратларини юқори баҳоладилар. Биз, дейишди улар, Афғонистонда рўй бераётган воқеаларнинг моҳиятини қабиладошларимизга ҳам, шунингдек илгари ватандан жўнаб кетиб, эндиликда Покистонда истиқомат қилаётган афғонларга ҳам тушунтириб берамиз. Ҳар бир афғон ватанпарвари ўз уйига қайтиб келиб, мамлакат бахт-саодати йўлида меҳнат қилиши керак, деб таъкидлашди учрашув қатнашчилари.

СОВЕТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ СУРИЯДА

ДАМАШҚ, 19 январь. (ТАСС). СССР Министрлар Совети ҳузуридаги дин ишлари билан шуғулланувчи кенгаш раиси К. М. Харчев бошчилигида Сурия Араб Республикасида турган совет делегацияси мамлакат бўйлаб қилган сафаридан кеча Дамашққа қайтиб келди. Делегация аъзолари сурия халқининг турмуши билан, унинг иқтисодий, социал ва маданий соҳалардаги ютуқлари билан танишдилар, бир қанча тарихий ёдгорликларни кўздан кечирдилар.

К. М. Харчев ва унга ҳамроҳлик қилган мусулмон руҳонийларини САР вице президенти М. З. Машариқа қабул қилди. Суҳбатда Сурия раҳбари мусулмон халқларнинг Ер юзида тинчлик ва хавфсизлик учун кураши муҳим аҳамиятини таъкидлади. У қуролланиш пойгасини жиловлаш, ядро қуролини аср охиригача тугатиш хусусида Совет тинчлик ташаббусларига юқори баҳо берди. М. З. Машариқа қуролланиш пойгасини космик фазога кўчиришга йўл қўйиш мумкин эмаслигини, АҚШ билан НАТОнинг милитарист доиралари эса шундай қилишга уринаётганликларини уқтириб ўтди.

МУФТИНИНГ МИСРГА ТАШРИФИ

ҚОҲИРА, 19 январь. (ТАСС). Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари дини бошқармасининг раиси Муфти Шамсиддинхон Бобохонов Қоҳирадан учиб кетиш олдидан қилган суҳбатида: Мисрга қилинган сафар нафли бўлиб, Совет Иттифоқи мусулмонлари билан Миср Араб Республикаси мусулмонлари ўртасидаги дўстлик муносабатларини мустаҳкамлашга ёрдам берди, деди.

Совет Иттифоқидан борган таниқли мусулмон арбоби Мисрда 10 январдан 17 январгача бўлди. Ташриф чоғида Муфти МАР вақфия ишлари министри Муҳаммад Али Маҳжуб билан, жаҳонга машҳур мусулмонлар мадрасаси «Ал-Азҳар» раҳбарлари билан, Мисрнинг таниқли диния арбоблари билан учрашувлар ўтказди, шунингдек, Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги Миср комитетида бўлди.

СССР билан МАР мусулмонлари ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш зарурлиги тўғрисида баҳамжиҳат фикрга келдик, деди Шамсиддинхон Бобохонов. Совет мусулмонлари шундай алоқалар ва шахсий мулоқотлар кенгайтирилишини ёқлаб чиқмоқдалар, чунки бу алоқалар бир-бирларининг ҳаёти тўғрисида кўпроқ нарсалар билишга имкон беради, мамлакатимиз халқлари ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш манфаатларига мос келади.

• *Долзарб мавзуда гап*

«СОБИҚЛАР» НЕГА ҚАЙТИБ КЕЛМОҚДАЛАР?

Улар илгарилари ҳам қайтиб келишарди. Лекин улар кўпчилик эмасди. Ҳозир манзара ўзгарган. Кейинги бир неча ҳафтада Аэрофлотнинг Нью-Йорк — Москва рейси йўловчилари орасида СССРга доимий яшаш учун қайтиб келишга қарор қилган бир неча собиқ совет граждан лари бўлмаган самолёт учрамади. Улар бошқа рейслар билан ҳам келмоқдалар, поездларда ҳам, масалан Вена — Москва поездида келмоқдалар. Баъзан битта-битта бўлиб, баъзан бутун бир оила бўлиб қайтмоқдалар. Янги йилга икки кун қолганда эса ИЛ-86 самолёти Нью-Йоркдан Москвадаги «Шереметьево-2» халқаро аэропортига бирданига 52 «собиқлар»ни олиб келди.

Яқинда совет телевидениеси орқали «Бу ердаги руслар» деган Америка фильми кўрсатилди. Ўшандан бери СССРдан чиқиб кетиб, Ғарбда яшаётганларга нисбатан «собиқлар» дейиш қаттиқ ўрнашиб қолди. Айтганча, ўша фильм мамлакатимизда кўпгина тортишувларга сабаб бўлди. Қарама-қарши фикрлар айтилди. Ҳар ҳолда бефарқ қараганлар кам бўлди. Айниқса ўтган йил ноябридан эътиборан «собиқлар» СССРга катта-катта группа бўлиб қайтиб келаётганларидан бери.

Бундан ўн беш йилларча муқаддам, етмишинчи йилларнинг бошларида СССРдан доимий яшаш учун Исроилга жўнаб кетишни хоҳловчи яҳудий миллатига мансуб шахслар сони кескин кўпайди. Кейинчалик маълум бўлишича, уларнинг кўпчилиги «аждодлар ери»га етолмай негадир Вена, Рим, ундан сўнг Нью-Йоркка бориб қолганлар. Орадан кўп ўтмай, олдинига Исроилга жўнаб кетган, аммо СССРдан чиқиб кетганларнинг бу мамлакатда холи нима кечишини жуда тез фаҳмлаб, тушуниб олганларнинг катта группаси ҳам «етиб борманганлар»га қўшилди. Тез орада турли пойтахтлардаги СССР элчихоналари олдида собиқлар тўдалари аримай қолди: қайтиб кетишга рухсат беринглар, бизни алдадилар — уларнинг ягона илтимослари шу эди.

— Нима воқеа рўй берди? Қайтиб келаётганларнинг бу тўлқинини нима билан изоҳлаш мумкин? — Мен шу саволлар билан юридик фанлари доктори, Сионизмга қарши совет жамоатчилиги комитети раисининг муовини Самуил Лазаревич Зивсга мурожаат қилдим.

— Сионистик пропаганда, — гапириб берди у, — етмишинчи йиллар бошларида совет яҳудийлари онгига бориб турган ёпирилма ҳужум бошлади. Ғарбда СССРдан фарқли ўлароқ «ақлли ва ишбилармон киши аъло даражада ҳузур-халоватда яшаши мумкин», деб у ердаги «жаннатий ҳаёт» бўяб кўрсатилди. Хоҳловчилар учун Исроилга чақириб олишлар ташкил этилди.

Мана энди «жаннат» дейилгани ростакам дўзах бўлиб чиқди. СССРда туғилган ва вояга етган кишилар на Исроилга, на ғарб мамлакатларига кўника олишмади.

— Мен СССРдан АҚШга жўнаб кетиш тўғрисидаги ўз қароримни, — деди менга «Мосфильм» киностудиясининг собиқ режиссёри, АҚШда саккиз йил яшаган Рашид Атамалибеков, — хавфли дориларни ўзида синаб кўришга аҳд қилган микробиологнинг ишига ўхшатаман. Социалистик жамиятда туғилиб вояга етган киши бўлганим учун мен Қўшма Штатларда яшаб кетолмадим...

— Ҳаётимнинг Америка даври тамом бўлганидан бахтиёрман, — дейди собиқ режиссёр гапини қувватлаб, 1978 йилда Киевдан АҚШга жўнаб кетган Юрий Чаповский, — устимдан тоғ ағдарилгандек бўлди. СССРга қурбим етганича фойда келтиришни хоҳлайман, менинг бирдан-бир ийим шу мамлакат эканлигига ишонч ҳосил қилдим...

«Собиқлар» СССРга қайтмоқдалар. Бунинг устига бу қайтиб келишнинг симптоматик маъноси бор. Ғарб пропагандаси рўй берган воқеага қандайдир изоҳ бериши керак. Нега бирдан шундай бўлди? Одамлар қандай қилиб «мўл-кўлчилик ва чекланмаган имкониятлар ўлкасини» ташлаб кетишлари ва «инсон ҳуқуқлари доимий равишда бузилаётган ва турмуш учун энг зарур моллар йўқ бўлган» жойга қайтиб келишлари мумкин? Советлар ҳокимияти уларни қандай қилиб яна мамлакатга киритиши мумкин? Ғарбдаги кўпгина кишилар учун булар тушунтириб бўлмайдиган саволлардир. Улар ўнлаб йиллар давомида ғарбликларга телевидение, радио, матбуот орқали сингдириб келинган советларга қарши барча далилларга зиддир.

Тушунтиришнинг биринчи варианти оддийгина: «Москва пропагандистик очколар тўпламоқда». Чунончи, АҚШда нашр этиладиган Советларга қарши муҳожирлар газетаси «Новое русское слово» содир бўлаётган воқеани шундай тушунтиришга уринди. Бошқа вариантлар ҳам бор. Ватанига қайтиб келаётганларни ишбилармонликдан маҳрум, «Смирновский» арағига ўч субъектлар қилиб кўрсатишга уринадилар ва ҳоказо.

«Шереметьево-2» аэропортида мен гаплашишга муваффақ бўлганлар қолоқ кишиларга хос таассурот қолдирмади. Аксинча, фикрловчи кишилар. Масалан, Юрий Чаповский Атлантада университетни тамомлаган, яхши ҳақ тўланадиган ва нуфузли ишга эга бўлишнинг ҳамма имконига эга бўлган. Лекин шунга қарамай СССРга қайтиб келишга қарор қилган. Рашид Атамалибеков — СССРда қатор қизиқарли фильмлар яратган ижодий киши.

Ҳаммасини анча содда қилиб тушунтирса бўлади. Ватандан азизроқ ҳеч нарса йўқ! Одамлар бегона юртга бориб қолганларида бу ҳақиқатни ёқиқроқ тушуна бошлайдилар. Айни ўша ерда улар инсон учун туғилиб ўсган мамлакатдан кўнгил узолмаслик бамисоли болаларнинг ота-оналарига меҳр-муҳаббатининг ўзгинаси эканлигини идрок этдилар ва ҳис қилдилар.

— Бу одамлар алданишди, — давом этади С. Л. Зивс. —Уларни шу сионистик пропаганда алдади. Бу пропаганда кўпгина яҳудийларнинг ҳаётини мажруҳ қилди. Уларнинг бугун уйларига қайтаётганликлари — Совет ҳукумати томонидан кўрсатилган инсонийлик туфайлидир. Уларнинг қайтиб келишлари КПСС XXVII съездидан кейин СССРнинг ички ва ташқи сиёсатидаги ўзгаришларни ифодалайди, масалаларни ҳал этишга янгича ёндашишларни, янгича фикрлашни ифодалайди.

— Бир вақтлар «собиқлар»нинг ҳаммаси совет граждан лигидан воз кечган эдилар. Айримлар Америка паспортини ҳам олганлар. Бу масала қандай ҳал қилинади? Қайтиб келган кишилар қаерда яшайдилар? — сўрайман С. Л. Зивсдан.

— Улар совет граждан лигини қайтариб беришни илтимос қилиб СССР Олий Совети Президиумига ариза берадилар. Бундай илтимосларнинг бир қисми ҳозирдаёқ қондирилди. Бир қисми кўриб чиқилаётир. Қайтиб келганларнинг кўпчилиги қариндошлариникида яшаб турадилар. Истиқомат жойи умуман йўқ, баъзи бир кимсаларга уй-жой-қурилиш кооперативига аъзо бўлиш имконияти берилади.

Аммо газетхонларда собиқ ватандошларни СССРда кутиб олиш ҳаддан ташқари ошириб юборилиби, деган таассурот қолмасин. Ҳеч қанақанги оби дийда қилинаётгани йўқ. Совет граждан лигидан воз кечганларга уни яна қайтариб бериш керак эмас, деб ҳисоблаётган қарши овозлар ҳам эшитилиб турибди. Лекин ҳар қалай инсоний фожиа қаршисида вазиятга оқилона муносабат билдиришмоқда. Бу ўринда совет кишиларида болаликдан ўзганинг бахтсизлигига бепарволик билан қараш мумкин эмас, деб қилинган насиҳат, берилган тарбия ўзини кўрсатаётир.

Қайтиб келганлар совет шаҳарларининг қайси бирида яшашларидан, қаерда — киностудиядами, колхозда-ми, заводдами, маиший хизмат устахонасидами ёки симфоник оркестрдами— ишлашларидан қатъий назар ўз шаъниларига таъна эшитмайдилар, совет граждан лигига хос барча ҳуқуқлардан фойдаланадилар.

— Мен яна Ватаним оғушида эканлигимдан бахтиёрман, — дейди 29 декабрда АҚШдан СССРга қайтиб келган 52 кишидан бири одессалик педагог Ревекка Кацап. — Яна совет граждани деб аталиш ҳуқуқини олганлигимдан бахтиёрман. Бизни яна қайта бағрига олгани учун Ватанимга раҳмат.

Менимча, бу сўзлар «собиқлар» бугунги кунда СССРга нима учун қайтиб келаётганликларини жуда яхши ифодалаб турибди. Ватанни турмуш даражаси билан ўлчаб бўлмайди — эсли-ҳушли одам бу ҳақиқат хусусида баҳслашмаса керак.

Андрей ПРАВОВ,
АПНнинг махсус мухбири.

ЕВРОПА ИҚТИСОДИЙ ҲАМЖАМИЯТИ МИНИСТРЛАР КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ ОЧИЛДИ

БРЮССЕЛЬ, 19 январь. ТАСС мухбири Альберт Балебанов хабар беради: бугун Бельгия пойтахтида қишлоқ хўжалик министрлари иштирокида Европа иқтисодий ҳамжамияти министрлар кенгашининг сессияси очилди. Сессия қатнашчилари ҳамжамиятнинг «Ягона қишлоқ хўжалик сиёсати»ни ислоҳ қилиш масалаларини муҳокама қиладилар. Ислоҳотдан мақсад «Умумий бозор» мамлакатларида фермерлар эҳтиёжларига сарфланадиган харажатларни анча камайтиришдан иборат.

Ташкилотга аъзо бўлган мамлакатларнинг бир қисми, жумладан Буюк Британия, ҒФР, Франция ва Голландия ҳамжамият дуч келаётган бюджет муаммолари қишлоқ хўжалигига ғоят кўп маблағ сарфланаётганлигининг натижасидир, деб изоҳламоқдалар.

Сессияда ҒФР маркази ва Нидерландия гульдени, шунингдек Бельгия, Люксембург франки яқинда девалвация қилинганлигининг қишлоқ хўжалиги учун келтириб чиқарадиган оқибатлари ҳам муҳокама қилинади.

• *Мунозара учун мавзу*

КИМГА АЗА, КИМГА...

МАРҲУМ ДАФН ЭТИЛДИ. КЕЙИН НИМА БЎЛДИ?

Беш болали, ўттиз ёшлардан ошган Ҳамдамбой исмли бир йигит оғир касалликдан вафот этди. Колхозда дурадгорлик қилиб, бола-чақа боқиб юрган Ҳамдамбой анча-мунча топган-тутганиниям касалини даволатиш учун докторма-доктор, шаҳарма-шаҳар югуриб, соп қилган эди.

Марҳумнинг биринчи пайшанбалиги, бошқачароқ айтганда учлиги. Ҳовли, кўча тумонат одам. Ичкари уйда «фалончи қори» бошчилигидаги «илмли» уламолар бири қўйиб бошқаси қуръон тиловат қилишади.

Ҳовлининг бир чеккасида қўй сўйилиб, иккита дошқозонда қуюқ-суюқ овқат пишмоқда. Марҳумнинг ота-онаси, опа-укалари, қариндошларининг қўли-қўлига тегмайди: ким чой ташиган, ким нон, қанд-қурс, қовун-тарвуз кўтариб зир югурган. Хотин-халажларнинг юракларни тилка-пора қилувчи йиғисидан юраги така-пука оч-наҳор, қаровсиз беш бола айвон сўрисининг бурчагига тиқилишиб, издиҳомни кузатишади.

Шу пайт аёллар ўтирган хонага маҳалла дастурхончиси Олқинбой ака кириб келди.

— Қани, чой билан дурралар тайёрми?

Марҳумнинг онаси бир яшик чойни дастурхончига кўрсатиб, деди:

— Тайёрлаб қўйдик, аммо дурра йўқ.

Дастурхончи чойдан бир думалоғини олиб айланириб кўрди-ю, иргитиб юборди.

— Йигирма тўрт тийинлик чойни биров ичмайди ҳозир. Тўқсон беш, ҳеч бўлмаса аъло нав чой чиққан, ўшандан опкелинглар.

— Вой ўлмасам, шу топда қаердан оламиз, — йиғламсираги марҳумнинг хотини. — Одамлар ўлик чиққан уйга чой учун келармиди?!

— Оғзингизни юминг, чой топилади, одам топилмайди, — ғадаблади дастурхончи. — Олтита қорига тўн, яктак-чорси печ дастурхони билан, оқсоқолларга яктакчорси, қолганларга эса дуррага тугиб икки юмалоқдан чой беришимиз шарт. Таомил шу, чидайсиз келин...

Кўп ўтмай яна бир яшик тоза чой, уч юз элликта дурра топиб келишди.

Одамлар еб-ичиб бўлишгач, дастурхонда қолган ширинлик, мева-чеваларни қоқиштириб дурраларга тугдилар. Қорилар ўтирган уйнинг эшигига дастурхончи Олқинбой ака туриб олди-да, ўлган кишининг яқин жигарларини чорлай бошлади.

— Марҳумнинг руҳи шод бўлсин деганлар атаганини олиб келсў-ўн.

Қариндош-уруғлар қатор сафга туришди. Биров уч сўм, биров беш, биров ўн сўм ушлаб олган. Дастурхончи идишга ким қанча пул ташлаганини ичкарига баланд овоз билан маълум қилади. У ёқдан «дуо» садолари чиқади...

Кечга томон олтита қори олтита тугунни қўлтиқлаб, 30—40 сўмдан пулни ҳамёнга жойлаб, машинада иззат-икром билан жўнаб кетди. Кўнгил сўраш учун келган одамлар ҳам қуюқ-суюқ овқатни еб, қўлтиғига дуррага тугилган икки думалоқдан чой, майда-чуйдаларни уриб азадор хонадондан тарқалишди.

Биринчи пайшанбалиги, йигирмаси, қирқи, кичик ҳайити, катта ҳайити, ниҳоят... йили ўтказилди. Юқоридаги савдолар ҳар маросимда турланиб, такрорланиб турди. Хуллас, озиқ-овқат, латта-путталардан ташқари тўртта қўй сўйилади. Ўзини парихон фолбин деб овоза қилган Марвар Бобохўжаевани қидириб келаётган лақмалар оз эмас.

Парихондан шифо топган биронта аёлни учратмадим. Шахсан мен унга мутлақо ишонмайман. У одамларни алдаш билан текин даромад топади. Баъзи эскилик ботқоғига ботган, онгсиз аёлларгина унга эътиқод қўйиб, олтинга тенг вақтларини, пешона тери билан топган пулларини беҳудага сарфлаб юрибдилар.

Мен коммунист сифатида, хотин-қизлар советининг аъзоси, ўртоқлик судларида давра суҳбати ўтказдик. Суҳбатда Комсомол район ижроия комитети раисининг ўринбосари Раҳмон Маматқулов, «Коммунизм» колхозининг раиси Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Жавод Кўчиев, Оқолтин қишлоқ Советининг раиси Мамадали Юсупов, колхоз раисининг маданият ишлари бўйича ўринбосари Майрам Саидқулова, сувчи Жаббор Холдоров, пиллакор Хурсаной Хўжамуродова, колхоз бош иқтисодчиси Худойназар Эшматов, маҳалла комитетининг раиси Турсунбой Турғунов иштирок этдилар.

Ж. Холдоров: — Яқинда, 84 га кирган отамиз вафот этди. Маросимларини имкониятимизга қараб ўтказдик. Бир пайт тоғамиз «Сен фотиҳачиларга пул, дурра улашмадинг, отангнинг руҳини чирқиратдинг, урф-одатимизни буздинг» — деб қолди. Ўн олтита болам бўлса, қандай ошинаман десам, зарда қилиб кетиб қолди. Биз мана шундай одамларнинг онгини тарбиялашимиз керак.

Х. Хўжамуродова: — Дарҳақиқат, қишлоғимизда азадорлардан кўнгил сўраб келган ҳар бир эркакка 10 сўм пул, аёлга куйлаклик, қолганларга рўмол тарқатиш одати чиққан. Айтайлик, ўрта ҳисобда 50 та чол, 50 та кампир келганида ҳам азадор хонадоннинг ҳоли аён бўлади-колади. Отам қазо қилди. Эл-юртдан қолмайлик деб учида, қирқида, йилида биттадан қўй сўйдик. Бизнинг бу сарфларимиз баъзи одамлар қилган харажатлар олдида ҳеч гап эмас. Маҳалла комитети қишлоқ Совети билан биргаликда бундай бемаъни чиқимларни тартибга солиши керак.

Т. Турғунов: — Азадор хонадонда то йилигача 5—6 та жонлиқ сўйилади. Бунга қарши кураш бошладик. Оддий колхозчилар бизнинг айтганларимизга амал қилишади. Аммо қишлоғимизда айрим шахслар борки, «кўлингдан келганини қил» деган маънода маҳалла активларининг талаб ва ўгитларини менсимайдилар. Яна бир муҳим гап: маросимда иштирок этган расмий муллага хизмати учун 10 сўм тўланади. Бундан ташқари, пойнига гилам тўшалади. Дуойи фотиҳадан кейин гиламни ўраб машинасига солади-да, олади-кетади. Районимиздаги маъмурий ва молия идоралари ана шундай салбий кўринишларга қарши курашда маҳалла комитетларига ёрдам берса яхши бўларди.

М. Саидқулова: — Болалик пайтим эди. Онамиз вафот қилдилар. Учлигида эл қатори чой, дурра тарқатдик. Марака тугагач, қарасак берган нарсаларимиз ер билан битта бўлиб сочилиб ётибди. Одамлар онамни ёш ўлди деб, уларни ҳазар қилиб олишмаган экан. Энди мен ўзим ана шундай исрофгарчиликларга қарши курашяпман. Умуман, исрофгарчиликка йўл қўйган кишиларни ҳар қандай йўл билан жазолаш тарафдориман.

Р. Маматқулов: — Зомин, Ховос, Хўжамушкент, Фориш томонларда илгарилари тобут устидан танга сочиларди. Ҳозир қоғоз пул сочиш расм бўлибди. Ўтган йили форишлик бир танишимиз вафот этди. Марҳумнинг фарзандлари эшик ёнида туриб ҳар бир кишининг чўнтагига 25 сўмдан пул солиб кузатяпти. Областимизнинг кўп жойларида дурра-чит у ёқда қолиб духоба атлас, бошқа хил кийимликлар йиртиб тарқатиш одат бўлди. Бу ҳаммаси тўқчиликнинг шўхлиги. Аслида, ўлимда тарқатилган бу нарсалардан кам одам фойдаланади.

Тўғри, қадимда одамлар маросимларга қорин тўйдириш ёки манфаатдор бўлиш учун ҳам борарди. Ҳозир ҳамманинг қорни тўқ, усти бут. Бундай исрофгарчиликлар рағбатлантирадиган бемаъни таомилларнинг миллий урф-одатларга мутлақо алоқаси йўқ.

Ж. Кўчиев: — Тўғри айтасиз. Айрим одамлар ёмон расм-русмларни миллий урф-одатлар билан аралаштириб юборишади. «Миллий» ёрлиқ ёпиштирилган кўплаб номаъқул расм-русмлар борки, уларга қарши курашда ўта эҳтиёткорлик талаб қилинади. Бу гапларни айтаётганимнинг боиси бор. Хўжалигимизда 18 миллат вакили яшаб, меҳнат қилади. Демак, урф-одатлар ҳам турлича. Миллий расм-русмларимиздаги яхши жиҳатлар умумлашиб, хурофий маросимларнинг барҳам топиб кетишида Хотира кунларининг аҳамияти катта. Бу борадаги ишларимиз эса ҳали қониқарсиз.

М. Юсупов: — Ўтган йили қишлоқ Советимизда Хотира куни жуда уюшқоқлик билан ўтди. Бу йил ҳам ана шу кунга жуда катта тайёргарлик кўряпмиз.

Х. Эшматов: — Ўрни келиб қолди, бир таклиф бор: колхозимизда мозорга жой ажратилди. У ерда албатта бир неча минг сўмлик турли асбоб-ускуна ва жиҳозлар бор. Буларга қараш учун одам ажратиш керак. Бу одам ҳам гўрков, ҳам қоровул, ҳам боғбон вазифасини бажариши мумкин. Лекин бунинг учун бизда на маблағ, на штат бор...

Р. Маматқулов: — Бу масала район агросаноат бирлашмасида ҳал этилиши керак. Умуман, қабристонлар ремонти ва уларда хизмат қилувчи кишилар масаласи республикамизнинг аксарият қишлоқларига хос бўлган муаммодир. Бу тўғрида бафуржа ўйлаш лозим.

АЗАДОРГА ҲАМДАРД КИМ?...

Юқоридаги суҳбатлардан кўринишларга қарши курашда маҳалла комитетларига ёрдам берса яхши бўларди.

Юқоридаги суҳбатлардан кўринишларга қарши бевосита иш олиб борувчи шахсларнинг ўзлари масаланинг моҳиятига тўла тушуниб етмайдилар. Ваҳолонки, қабристонлардан фойдаланиш ва ёдгорликлар ўрнатиш ҳақидаги кўрсатмада барча муаммолар аниқ ва батафсил баён этиб берилган. Фақатгина, маҳаллий идора ва ташкилотлар, хўжаликларнинг раҳбарлари бу муҳим кўрсатмани тўғри тушуниб, унга амал қилсалар ҳеч қандай саволга ўрин қолмайди.

Ҳаёт тўй ва маъракаларни ортиқча чиқимсиз, исрофгарчиликсиз ўтказишни талаб этмоқда. Салбий урф-одатларни халқимиз онгидан ситиб чиқаришда, янги расм-русмларни кенг қулоч ёйдиришда партия, совет, жамоат ташкилотлари олдига конкрет вазифалар қўймоқда. Хўш, бу борада Комсомол районидаги Оқолтин қишлоқ Советида қандай ишлар амалга оширилмоқда? Суҳбат давомида шу нарса аён бўлдики, маҳалла аҳли ўртасида олиб борилаётган оммавий-сиёсий ва тарбиявий ишлар талабга жавоб бермайди. Маҳалла комитетлари обрўсининг пастлиги, қишлоқ Совети ижроқоми ходимларининг фаолиятсизлиги натижасида Хотира куни юзаки ташкил этилгани, дафн маросимларининг диндорлар майлига қараб ўтказилаётгани кўриниб турибди. Бу эса мутлақо кечириб бўлмас ҳолдир.

Яна шу нарса ачинарлики, давра суҳбатида иштирок этган шахсларнинг кўпчилигги хурофий маросимларга қарши курашда бевосита раҳбарлик қилиши, жонбозлик кўрсатиши лозим бўлган кишилардир. Уларнинг гапдан амалий ишга ўтишларида нима етишмайди? Турткими ёки юқоридан кўрсатмами? Дадил ва мустақил ҳаракат қилиш даври аллақачон келди.

Хўш, дафн маросимларини диндорлар қўлидан тортиб олиб, замонага мос йўсинда, ортиқча даҳмазаларсиз ўтказиш мумкин эмасми? Мумкин! Бунинг учун маҳалла комитети, қишлоқ Совети активлари азадор хонадонга зудлик билан етиб келиб, бутун ташаббусни ўз қўлларига олишлари зарур. Партия, касаба союз, комсомол ташкилотларининг вакиллари бу ерга диндорлардан илгарироқ етиб келишлари ва ҳамдард бўлиб туришлари керак. Кўп жойларда эса бунинг акси. Хўжаликларнинг, ташкилот ва идораларнинг раҳбарлари азадор хонадонга бориб туриш тугул, бирров кўнгил сўрашга вақт топмайдилар. Сохта муллалар эса бундай қулай вазиятда ҳаққонлик ва устомонлик билан иш тутадилар. Дарров азадорнинг қўлтиғига кириб, дардига малҳам бўлишга тиришишади. Қарабсизки, уйнинг тўри ҳам, дастурхоннинг дури ҳам ана ўшаларники. Қишлоқ Совети, маҳалла комитети, хўжаликларнинг раҳбарлари эса ташаббусни бериб қўядилар ёки уқувсизлик қиладилар.

ЕТИМЛАРНИНГ РИЗҚИ ЕХУД ТАЛОНЧИ РУҲОНИЙЛАР

Энди Андижон областидаги воқеаларга қайтайлик.

Яқинда маҳалла дастурхончиси Олқинбой акани кўриб қолдик. Суҳбатимиз мавзуи айланиб, мотам маросимларига уланди. Беихтиёр марҳум Ҳамдамбойнинг болалари ёдга тушди.

— Ҳамдам аканинг болачақаси тинч-омонми?

— Яхши юришибди-ю, шу... болаларнинг мазаси йўқроқ, касалмандроқ бўлиб ўсишяпти, дейишади. Айниқса, кичкинаси уч ёшга кириб қолсаям, юриб кетолмаяпти. Ўтган куни хотинини кўрувдим. Ўғлини кўтариб, касалхонадан келаётган экан. Ҳа, энди ризқи билан туғилган бўлса, катта бўлиб қолишар.

Хўш, болалар нега касалманд бўлиб ўсишади? Марҳум Ҳамдамбойнинг кичик ўғли нима учун уч ёшидаям юролмайди?!

Бунга аввало, дастурхончи, сиз айбдорсиз! Чунки болаларнинг соғлиғини — ризқини ҳотамтойлик билан дурраларга тугиб одамларга улашдингиз.

Қуръон сураларини етимнинг оғзидаги ризқи ҳисобига тиловат қилувчи сохта диндорлар, бу сизнинг касрингиз! Чунки йил давомида уларнинг ризқини «савоб» гарчилик учун ташиб кетиб турдингиз. Тўғриси, талаб кетдингиз. «Есирларнинг ҳақини ейиш гуноҳ» дея қавларингизни йнсофга чақириб, «ваъз» айтасиз. Қани, ўзингиздаги инсоф?! Айтинг! Ўз вақтида, сифатли овқатланишдан, чиройли бежирим кийиниб, кўчаларда ўктам, ўйнаб-кулиб юришдан маҳрум этилган, қалби ўксик, одамови жужуқларнинг уволи кимни тутгай?!

Эй, маҳалла аҳли! Яхшилар! Наҳотки, тобут чиққан уйга тама билан борсангиз?

Марҳумни бундай эслаш унинг хотирасини топташ, оила аъзоларини чиқиратиш эмасми?!

А. БОЙҚУЗИЕВ.

• *Спорт*

ҚОРБЎРОН ВА МАҲОРАТ

ТОҒ ЧАНҒИ СПОРТИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО МУСОБАҚА

Мана, бир неча кундирки, «Чимён» спорт-туристик комплекси ҳар қачонгидан гавжум. Бу ерда юзга яқин спортчи ўртасида анъанавий халқаро мусобақа ўтказилмоқда. Ғолиблик учун курашни чанғичи йигитлар бошлаб беришди. Баландлиги 1830 метр, мусобақа трассаси 580 метрли қилиб белгиланган қияликда қайиш-таёқчалар ёрдамида ўзига хос йўлаклар яратилди. Чанғичилар ана шу таёқчаларга чап берган ҳолда қиялик бўйлаб, илон изи шаклида ҳаракат қилишлари, вақтдан ютишлари, маҳорат кўрсатишлари лозим эди.

Шу куни қуёш чарақлаб турди. Чимён тоғи манзараси ўзгача тароват касб этди. Юксакликдаги старт майдонидан марра чизиғигача бўлган ҳаракатларни аниқ кузатиш мумкин эди. Зеро, махсус слалом бўйича қизғин курашда маҳорат кўрсатиш осон бўлмади. Старт майдончасига осма арқон йўл ёрдамида кўтарилган 67 чанғичидан бориғи 18 нафари марра чизиғини кесиб ўтишга эришди. Аксарият чанғичилар ярим йўлда кутилмаганда тойиб кетиб, ўйиндан чиқишга мажбур бўлишди. Чанғичиларнинг ҳар бир ҳаракатини зимдан кузатиш важидан қиялик бўйлаб бир неча ерга ҳақамлар учун алоҳида жой ажратилган эди. Улар чанғичининг тезлиги, техник маҳорати ва чапдастлигини ўзига хос баҳолаб туришди.

Биринчи уринишда имкониятни бой берганлар томошабинга айланишгани аён. Қолган чанғичилар яна юқорига кўтарилиб, иккинчи марта учишга ҳозирландилар. Бунда СССР терма командаси аъзолари юксак натижа кўрсатишди. Жумладан Владимир Фаломеев дастлабки уринишда 55, 78 секунд натижа кўрсатган бўлса, такрорий баҳсда ҳам астойдил ҳаракат қилиб, умумий ҳисобда 1 минут 55, 05 секундли натижа билан ҳалқаро мусобақа ғолиби бўлди. Унинг командадоши Вадим Амосов дастлабки уринишда 55,09 секундли натижага эришган бўлсада, қайта учишда дақиқалар ҳисобида имкониятни бой бериб, фахрли иккинчи ўринни (1 минут 55,58 секунд) эгаллади. Учинчи ўрин ҳам СССР терма командаси аъзосига насиб этди. Дмитрий Арефьев 1 минут 57,32 секундли натижа билан ғолиблик супасининг учинчи поғонасига кўтарилди.

Мамлакат терма командаси составида қатнашган республикамиз вакиллари ҳам мухлисларни қувонтиришга ҳаракат қилишди. Зеро, маҳоратни баҳолаш халқаро талаблар даражасида бўлгани туфайли олқиш олиш осон бўлмади. Раднон Стенин биринчи уринишда маррагача етиб келди. Дмитрий Скрябин, Андрей Солодиев, Дмитрий Бельков, Олег Андреевлар учун мазкур мусобақа ўзига хос маҳорат мактаби бўлиб қолди. Зотан, «Чимён» бағрида камолга етган спорт мастери Анорқул Ғойибов иккала уринишда ҳам маррагача етиб, умум ҳисобда ўн тўртинчи бўлишга эришди. Анорқулнинг ҳар иккала уринишдаги натижалари бир минутдан ортиқ бўлсада, ундаги абжирлик ва интилиш мутахассисларга маъқул келди.

Баҳснинг иккинчи куни программага мувофиқ хотин-қизлар ўртасида мусобақа ўтказиш кўзда тутилган эди. Тоғ ҳавосининг беқарорлиги туфайли мусобақани бир неча соатга кечиктиришга тўғри келди. Боиси кутилмаганда қор ёғиб, бўрон туриши кўзни очирмай қўйди. Мусобақа трассасини қайта созлашга мажбур бўлинди.

— Ана шундай қийин шароитда чанғи учиш менга маъқул келади,—дейди халқаро мусобақанинг ғолиби бўлишга муваффақ бўлган Ленинградлик Людмила Кедрина. — «Чимён»да учинчи марта бўлишим. Қизиғи шундаки, ҳар гал стартга чиққан куним ҳавонинг авзойи бузилади. Гўё табиат менинг маҳоратимни синаётгандек. Ноқулай шароитда юксак натижа кўрсатиш, оддий ҳолатда рекордлар ўрнатишга имкон яратади, деган фикрдаман.

Людмила умумий ҳисобда (биринчи уринишда 48,66) 1 минут 40, 042 секундли натижа билан ғалаба қозонди. Людмиланинг доимий рақобатчиси Елена Ковалёва 1 минут 42, 98 секундли натижа билан иккинчи, умидли чанғичи, спорт мастерлигига номзод Алина Порецкая эса 1 минут 43,95 секундли натижа билан учинчи ўринларни эгаллашди.

Кеча мусобақа давом этди. Чанғичиларнинг «Чимён» бағридаги баҳслари ёшлар ўртасида дўстона мулоқотлар, тажриба алмашишлар ва ёрқин таассуротлар билан уйғунлашиб кетди.

Ҳ. НОСИРОВ,
А. АЛИМОВ.

СУРАТДА: тоғ-чанғи спорти бўйича халқаро мусобақанинг очилиши.
А. Кошкин ва В. Мкленький фотоси (ЎзТАГ).

РЕКЛАМА ва ЭЪЛОНЛАР

РЕСПУБЛИКА РУС ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

кафедралар бўйича вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

мудир — сиёсий иқтисод;
катта ўқитувчи — рус тили амалий курси;
ўқитувчилар — КПСС тарихи, сиёсий иқтисод, фалсафа, пропедевтика ва нутқ ривожланиши, рус тили ва адабиётини ўқитиш методикаси (адабиёт бўйича), жисмоний тарбия ва спорт.

Конкурс муддати — 4 февралгача.

Адрес: 700110, Тошкент шаҳри, Академик В. Решетов кўчаси, 4-уй.

●

«ЮБИЛЕЙ» МАРКАЗИЙ СПОРТ ЗАЛИДА

21-22 январь соат 18.30 да

СССР биринчилиги учун «БИНОКОР» (Тошкент) — «АВАНГАРД» (Уфа) **командалари ўртасида**

ХОККЕЙ

Билетлар «Юбилей» марказий спорт зали кассаларида сотилмоқда.

Справкалар олиш учун телефонлар: 46-07-53, 46-68-77 (администратор); 46-03-12, 47-70-31 (касса).

●

Театр

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 21/I да **Йўлчи юлдуз, 22/I да Парвона.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 21/I да **Ёшлинда берган кўнгил, 22/I да Ҳийлаи шаръий.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ ДРАМА ТЕАТРИДА— 21/I да **Майсаранинг иши** (18.00), 22/I да **Гуноҳкор авлиё.**

Редактор Л. ҚАЮМОВ.

• *Тингланг, томоша қилинг*

21 январь, чоршанба

Телевидение

МТ-I. 8.00 — Зарядка. Мультфильм. Музика. 8.30 — Время. 9.15 — Мультфильмлар. 9.40 — Ўқувчиларнинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Барановский билан учрашуви. 10.20 — «В. И. Ленин портретига чизгилар». Бадиий фильм, 3 фильм. 11.20 — Ёшлар хорининг чиқиши. 11.35 — Ҳужжатли фильмлар. 12.10 — Совет қўшиқлари концерти. 12.30 — Дунё воқеалари. 16.30 — Янгиликлар. 16.45 — Болалар учун кўрсатув. 17.35 — Тарих саҳоғи. 18.20 — Концерт. 18.55 — Визнинг бог. 19.25 — Севимли Ватаним менинг. 19.30 — Кекса большевиклар хорининг чиқиши. 20.00 — Мультфильм. 20.10 — Янгиликлар. 20.20 — «В. И. Ленин портретига чизгилар». Бадиий фильм, 4 фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Илмий оммабоп фильм. 22.50 — РСФСР халқ артисти Р. Керер ижро этади. 23.25 — Дунё воқеалари. 23.45 — Дунё ва ёшлар.

МТ-II. 9.15 — Гимнастика. 9.35 — Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. 10.05 — Немис тили. 11.05 — СПТУ ўқувчиларига. 11.30 — А. М. Горький. «Болалик». 12.00 — Лирика. 13.00 — «Оқлавий ҳаёт лавҳалари». Бадиий фильм. 14.50 — Сенинг ленинча кутубхонанг. 15.15 — Янгиликлар. 15.20 — Драматургия ва театр. 16.10 — «Декабрь оқшомлари». Фестиваль концерти. 18.15 — Янгиликлар. 18.30 — Ҳамкорлик. 19.00 — Концерт. 19.20 — Шахмат мактаби. 19.50 — Ҳамма учун ва ҳар бир киши учун. 20.20 — Ҳужжатли фильм. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — Жаҳон музика маданияти хазинасидан. 21.30 — Время. 22.05 — Кўёш остида тўзон». Бадиий фильм. 23.40 — В. Маяковский. «Владимир Ильич Ленин». Поэмадан парчалар.

ЎзТВ-I. 7.05 — Ритмик гимнастика. 7.30 — Ильичнинг севимли асарлари. 7.45 — Миллатлар ҳаҳ. 7.50 — Салом, кичкинтойлар! 8.00 — Ахборот. 8.20 — Телефильм. 16.35 — Эстетика асослари. 17.15 — Болалар учун фильм. 17.30 — Янгиликлар. 17.40 — «Абитуриент 87». 18.15 — «Мангу барҳаёт». Адабий композиция. 18.45 — Ҳужжатли фильм. 19.10 — В. И. Ленин ҳақида суҳбатлар. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Элга хизмат: талаб ва таклиф. 20.15 — Телефильм. 20.30 — Ахборот. 20.50 — «Ленин номи дилларда...» 21.30 — Время. 22.05 — Ижтимоий фанлар ва давр. 22.35 — «Жон тойнинг қасамёди». Бадиий фильм.

Радио

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — «Ленин номи қалбларда». 9.30 — Мактаб, оила тарбия. 10.15 — «Пахтаой» ансамбли куйлайди. 10.40 — «Қармоқ». 11.15 — «Юность». 12.10 — «Ўзбекистан индустриальний». 13.00 — «Чорвадор». 13.30 — Ильич севган қўшиқлар. 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшиттириш. 15.40 — Ленин ҳамиша барҳаёт. 18.15 — Қишлоқдаги оддий иш кунлари. 18.30 — Ленин шарофати. 19.20 — «Аланга». 19.40 — Миллионлар ленинча университети. 21.00 — Улуг Октябрнинг 70 йиллигига. 21.20 — Қишлоқ оқшомлари. 22.30 — Композитор Э. Налбандов. 23.25 — Спорт хундалиги. 23.35 — Дам олиш концерти.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Редакция адреси: 700000, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими телефонлари — 33-21-43, 32-54-16, 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-08.

ЙУҚОЛСИН ХУРОФОТ!

Маҳалламизда Марвар Бобохўжаева деган аёл бор. У Қизил ботир кўчасидаги 12-уйда яшайди. 30 ёшда. Ҳеч қаерда ишламайди, фолбинлик қилади. Нозик-ниҳол аёлларга: «Сизга жин илашибди, дам солиб қўйсам жир битиб кетади» дейди. Ярақ-юруқ кийинган аёллар келса, уларнинг қалбига шубҳа ташлайди: «Турмуш ўртоғингиз бегона аёл билан юрар экан. Уни бу йўлдан қайтариб бераман...»

Бу гапларни эшитган калтабин, диний ақидаларга ишонувчи аёллар довдираб қолишади. Фолбиннинг макрига ишониб, «қули»га айланадилар. Ўзини парихон фолбин деб овоза қилган Марвар Бобохўжаевани қидириб келаётган лақмалар оз эмас.

Парихондан шифо топган биронта аёлни учратмадим. Шахсан мен унга мутлақо ишонмайман. У одамларни алдаш билан текин даромад топади. Баъзи эскилик ботқоғига ботган, онгсиз аёлларгина унга эътиқод қўйиб, олтинга тенг вақтларини, пешона тери билан топган пулларини беҳудага сарфлаб юрибдилар.

Мен коммунист сифатида, хотин-қизлар советининг аъзоси, ўртоқлик судининг раиси сифатида маҳалла аёлларини фолбиннинг ёлғон гапларига ишонмасликка даъват этдим. Маҳалла комитетининг раиси Ҳайдарали Матиминов ҳам, маҳалла активлари, участка инспектори ҳам Бобохўжаева билан бир неча бор суҳбат ўтказишди, уни ҳалол яшашга даъват этишди. Афсуски, у бундан ўзига тўғри хулоса чиқариб олмади.

ФОЛБИНЛАРГА ИШОНМАНГ

Илгари одамларни ошкора қабул қилган, эшиги олдида бегона машиналар қаторлашиб турган бўлса, энди у одамларни яширин қабул қила бошлади...

Буни маҳалла комитети кузатиб борарди. Ниҳоят у қўлга тушди. 4-участка «Иттифоқ» маҳалла комитети Андижон шаҳар ички ишлар бўлими вакиллари билан биргаликда фолбин М. Бобохўжаева уйига киришганда у Избоскан районидаги «Ўзбекистон» колхозидан келган опа-сингил Озода ва Шуҳратхон Собироваларни дуои фотиҳа қилаётган эди. Маълум бўлишича, опа-сингиллар бу ерга илгари ҳам келишган экан. Бироқ парихон — Марварнинг «сеҳрли» дуоси уларнинг дардига даво бўлмабди. Улар фолбинга яна бир бор бош уриб боришга аҳд қилишибди.

Маҳалламиздаги яна бир меҳнатсиз даромад ўчоғи фош этилди. Манзура Қосимова 49 ёшда. Ҳеч қаерда ишламайди. Турмуш ўртоғи Абдуфатто Қосимов Андижон шаҳридаги 1-ўрта мактабга қоровул. Манзура уйида яширин ҳолда болаларга диний ақидалардан дидиё ўқиб, диний расм-русмлар ўргатаётгани аниқланди ва бунга чек қўйилди.

Мен бу мисолларни бекорга айтаётганим йўқ. Турмушимиз ғўзал. Дастурхонимиз тўкин. Тобимиз қочса, меҳрибон врачларимиз бор.

Азиз онахонлар, опа-сингиллар, дугоналар, фолбин каби кимсаларга, дуохону киннахон, отинойиларга сира-сира ишонманг, уларнинг макрига учманг.

Муқаддас ЭШОНХЎЖАЕВА,
Андижон шаҳар, 4-участка «Иттифоқ» маҳалла комитети хотин-қизлар советининг аъзоси, ўртоқлик суди раиси.

Тошкент давлат чет тиллар педагогика институти коллективи марксча-ленинча фалсафа кафедраси доценти **Пўлат ҲАМИДОВнинг** вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг Ўзбекистон телевидениеси коллективи музикали кўрсатувлар бош редакциясининг режиссёр ассистенти З. Қаюмовга отаси **Абдурахмон ҚАЮМОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ректорати ва жамоат ташкилотлари сиёсий иқтисод кафедраси катта ўқитувчиси И. Ч. Хўжаевга отаси **Чинхўжа ХЎЖАЕВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.